Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

• № 76 (10.072). • 1991 йил 19 апрель • жума • Баҳоси 6 тийин.

ЛАВОЗИМ ЮҚОРИЛАШГАН САРИ ОДАМЛАРДАН ЙИРОҚЛАШИЛАР ЭКАН-ДА

Ислом КАРИМОВ:

«ТЎЛА ИҚТИСОДИЙ ЭРКИНЛИК ШАРОИТИДА ҚАТЪИЙ ТАРТИБ»

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон Президенти И. КАРИМОВ билан «АиФ» мухбири Д. МАҚАРОВ суҳбатлашди.

— Сизнинг назарингизда, бир партияли система муқаррар равишда порахўрликка ва бошқа салбий ҳолатларга олиб бормайдими, чунки бу системани халқ томонидан таъсирли назорат қилиб бўлмайди-ку!

— Партияни қандай қилиб чинакам халқчил партияга айлантириш ва айни вақтда бутун ҳокимият тузилмасини халқчил қилиш усулларини изламоқ керак. Гап шундаки, Советлар ҳокимияти сўнгги вақтгача қоғозларда ва маърузаларда қолиб келди, ҳақиқий ҳокимият эса партия кабинетларида бўлди. Ҳокимият қоғозда эмас, балки амалда бўлиши учун аввало барча оқил кишиларни жумҳуриятдаги ҳокимиятни халқ ҳокимиятига айлантириш учун жалб қилишга интилиш ва барча бойликларни, ҳамма мавжуд имкониятларни жумҳуриятда яшовчи кишилар бахтсаодатига хизмат қилдириш лозим.

Ҳар қандай даражадаги сиёсатчи қарорлар қабул этишда эркин бўлиши керак, шундагина унинг сиёсати халққа манзур бўлади. Ҳа, дарвоқе, халқ сиёсат ортида турган аниқ кишиларни доимо кўради. Президент солиғи, Павловнинг пул ислоҳоти, Шаталин—Явлинский дастури дейишлари бежиз эмас.

— Ҳар қандай бўлганда ҳам бизнинг Иттифоқимиз сақланиб қолар экан ва Президент Горбачев унга бошчилик қилар экан, асосий сиёсат—Горбачевнинг сиёсати бўлади. Сиз бунга қандай қарайсиз!

— Менинг СССР Президентига муносабатим ҳозир турмушимизда рўй бераётган воқеалар билан белгиланади. Горбачев қайта қуришни бошлар экан, ўз олдига айни вақтда жамиятимизни ҳам қайта тузиш ва партияни халқчил партияга айлантириш мақсадини қўйганига ишончим комил. Бу ишни у имкони борича тезроқ қилишга интилди. Аммо қайта қуришнинг аниқ концепциясига эга бўлмай туриб, пировард мақсадни аниқламай, жараённи қандайдир босқичларга бўлмай туриб, бундай бепоён мамлакатни бир лаҳзада ўзгартириб бўлмас эди.

— Бироқ, башарти Горбачев 3-4 йил муқаддам жумҳуриятларнинг мустақиллигини, хусусий мулкни тиклашни, ошкораликни ривожлантириш ва шу кабиларни ўз ичига оладиган режаларини бироз бўлсада ошкор этганида, ўз лавозимида қола олармиди!

— Эҳтимол, қололмасди. У ишни ижтимоий тафаккурни тайёрлашдан бошлади. Дарҳақиқат, ўша шароитда ниятни охиригача ошкор этмасдангина шундай қилиш мумкин эди. Қисқа муддат ичида у одамларнинг фикрини бутунлай ўзгартириб юборишга муваффақ бўлди. Ҳар ҳолда унинг стратегик ҳаракат режаси бўлиши керак эди. Менинг назаримда, Горбачев жуда халқчил инсон, у ҳатто жуда зарур бўлганида ҳам қандайдир қаттиқ қарорлар қабул қилишга мойил эмас. Оқибат натижада ақл-идрок тантана қилишига унинг ишончи комил.

Ўз тажрибамдан биламан, бундай лавозимда қанчалик кўп ўтирсанг, одамлардан шу қадар йироқлашиб қолар экансан. Гўё лавозим нақадар юқори бўлса, одамлар сендан шу қадар йироқ бўлади, деган қонун бордек. Ўз мисолимда буни жуда яхши сезиб турибман. Модомики, сезиб турган эканман, демак, буни бартараф қилишга интиламан.

— Наврўз байрами вақтида Сиз бунга қандай интилаётганингизни кўрдим. Сиз узундан-узоқ нутқлар сўзламасдан, Тошкент бўйлаб юрдингиз, одамлар билан учрашдингиз: гурунглашдингиз, тингладингиз, рақсга тушдингиз, янги ресторанни очдингиз ва кўчат ўтқаздингиз. Меҳмон бўлганим учун Сизнинг иш кунларингиз ҳақида бир фикр айтишим қийин.

— Байрамда халқ билан бирга бўлиш қийин эмас. Қашшоқликка ва адолатсизликка дучор бўлган, шунинг оқибатида ҳокимият намояндаларига тош отаётган кишилар билан учрашиш қийинроқ.

Очиғини айтганда, конструктив оппозиция бизга ҳеч етишмаяпти. «Қарама-қаршиликларнинг кураши» бўлмаса, жамият ривожлана олмайди. Аммо бу кураш Конституция доирасида олиб борилиши лозим.

— Хўш, Ўзбекистондаги оппозиция, аниқроқ қилиб айтганда, кимлардан иборат!

— 1989 йил июнидаги Фарғона воқеаларигача бизда ошкора оппозиция йўқ эди. Халқнинг дилида шундай оппозиция зоҳир эди ва ҳар бир камбағал киши режимга нисбатан пинҳона оппозицияда эди. Бироқ 1989 йилнинг июнида Ўзбекистонда яшовчи халқлар бошига тушган фожиа ҳаммани ларзага келтирди. Мен ўзбеклар ва турклар ҳақидагина эмас, руслар, тожиклар, татарлар ва бошқа халқлар ҳақида ҳам гапираяпман — ҳамма ўз келажаги учун даҳшатга тушди. Жумҳуриятнинг аввалги раҳбарияти ҳам чўчиб, аввалига рўй берган воқеа ҳақида индамасликка, кейин эса унинг сабабларини хас-пўшлашга уринди. Сиёсий бўшлиқ вужудга келди. Янги тузилган ҳаракатлар ва жамиятлар шу бўшлиқни тўлдирдилар.

— Хўш, ўзингиз бунга қай назар билан қарадингиз!

— Энг ўткир масалаларни тезроқ ҳал этиш мушкул аҳволдан қутилишнинг бирданбир иложи эди. Биз ҳам имкони бўлган ҳамма ишни қилдик. Пахтанинг нархини оширдик, кейинги икки йил ичида томорқа ерлари миқдори 2,5 баравар кўпайтирилди, кам даромадли оилаларга ёрдам берилди, ўқитувчиларнинг маоши оширилди, тарихимизга, динга муносабат қайта кўриб чиқилди, анъаналар (ўзбеклардан бошқа миллатларнинг ҳам анъаналари) қайта тикланмоқда, яна кўп ишлар қилинди. Ана шуларнинг натижасида, назаримда миллатнинг аксарияти ҳукуматга оппозицияда турмайдиган бўлиб қолди.

— Бироқ Ўзбекистондаги демократлар Сизни митинглар ва намойишларни ўтказишни тақиқлаб қўйишда ва шу тариқа уларнинг фуқаролик ҳуқуқларини бузишда айбламоқдалар.

— Аввало мен: интизомсиз ва тартибсиз демократия—демократия бўлмайди, деб ҳисоблайман. Афсуски, Тошкентдаги ҳар бир митинг ёки намойиш охир-оқибатда катта муштлашувларга, ўт қўйиш ва ур-йиқитларга айланиб кетар эди. Ростини айтсам, оппозициянинг намояндаларини демократлар деб бизни эса консерваторлар деб атаётганликларига қўшилмайман. Агар инсон ўз атрофига ҳалойиқни тўплаб, бошқа миллатларга нафратни тарғиб қилса, тарихни сохталаштирса, Буюк Туронни, яъни Темур замонларида барпо этилган давлатни тиклашга ёки барча мусулмонларни бирлашишга даъват этса, уни демократ деб атаб бўладими?

Тартиб ва интизом милициянинг ёрдами билан ўрнатилмасдан, балки одамлар онгига маҳкам сингиб кетган тақдирдагина демократия ҳақиқий демократия бўлади. Бундан ташқари демократия ривожланган иқтисодиётга таяниши керак. Биз навбатларда бир-биримиздан қандайдир бўлакларни юлиб олсак, дилимизда қандайдир ҳайвоний ҳис-туйғулар уйғонса-чи. Қисқаси, жумҳурият Олий Кенгаши Ўзбекистон пойтахтида митинг ва намойишлар ўтказишни онгли равишда, «Тошкент шаҳри аҳолиси кўпчилигининг манфаатларига зид» деб тақиқлаб қўйди. Митингларни фақат ёпиқ биноларда ўтказишга ижозат берилди.

— Билишимча, рус тилида сўзлашувчи аҳоли бу қарорни қўллаб-қувватлади, бироқ, ҳар ҳолда бундай тақиқлардан тоталитаризмнинг ҳиди келиб турибди.

— Тоталитаризм ва унинг кетидан келадиган авторитаризм унчалик жўн нарсалар эмас. Осиё мамлакатлари, чунончи Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия ва бошқа мамлакатлар шу босқичлардан ўтишган. Мен бу мамлакатларнинг тарихини синчиклаб ўргандим. Улар ўз қайта қуришини иқтисодиётни халқчил тус олдиришдан, хусусий ишбилармонликни ривожлантиришдан ва ажнабий капитални жалб қилишдан бошлаганлар ва шундан кейингина сиёсий соҳага халқчиллик руҳини, сингдиришга ўтишган. Шу сабабли менинг эътиқодим қуйидагича; мутлақ иқтисодий эркинлик шароитида қатъий тартиб бўлсин. Биз ишбилармонликнинг ҳар қандай турини қўллаб-қувватлашга тайёрмиз, у фақат қонунийлик доирасида бўлсин ва жумҳуриятни ривожлантиришга кўмаклашсин.

— Шу билан бирга Ўзбекистон аҳолисининг 93 фоизи Иттифоқни ёқлаб, бинобарин, биргаликдаги ташқи иқтисодий фаолиятни ҳам ёқлаб овоз берди.

— Аҳоли янгиланган Иттифоқни ёқлаб овоз берди. Бундай Иттифоқда ҳозир мавжуд бўлган ташқи иқтисодий буйруқбозлик бўлмаслиги керак. Ўзингиз ўйлаб кўринг: яқинда Хитой билан бир миллиард швейцар франки миқдорида ўзаро мол етказиб бериш ҳақида шартнома тузилди. Бироқ жумҳуриятларнинг раҳбарларидан бирон киши СССР ҳукуматига бундай ваколатни бермаган эди. Бу пулга нималар ва ким учун сотиб олинишини ва жумҳуриятлар бунинг эвазига нима беришларини биз билмаймиз. Ҳар бир жумҳурият шундай кредитларни олиши керакки, токи бу қарзни ўзи уза оладиган ҳолатда бўлсин.

— Чамаси, суҳбатимиздан шундай хулоса чиқарса бўлади: жумҳурият даражасида Сиз ўзингизни давлат одами деб ҳис қиласиз, Иттифоқ даражасида эса бундай деб ҳис қилмайсиз. Шундайми!

— Мен буни ҳеч қачон ҳис қилган эмасман. Мени энди Иттифоқ учун жавоб берадиган одам қилиб кўрсатишга уринмоқдалар. Бироқ бу эски давлат тузилмаларига кўпроқ қонунийлик тусини бериш учун бир ниқобдан бошқа нарса эмас. Ҳозирча Федерация Кенгаши виқор билан лунжини тўлдириб гапиришдан нари ўтмаяпти, чунки унинг на мақоми бор, на ҳуқуқи. Бизда аввалига доимо бирон-бир муассаса ёки идоранинг таркибини белгилаш, сўнгра эса унга ваколатлар бериш одат бўлиб қолган.

Ю. РОМАНОВ олган сурат.

(«Аргументы и факты» рўзномасининг 1991 йил 15-сонидан).

СОВЕТ—ЯПОНИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТМОҚДА

ТОКИО, 18 апрель. (ТАСС махсус мухбирлари). СССР Президенти М. С. Горбачевнинг Японияга ташрифи расмий қисми бугун ниҳоясига етади. Совет раҳбари билан Япония Бош министри Т. Кайфу ўртасида кеча бўлиб ўтган якка-ма-якка учрашув давомида томонлар вақт етишмаганлиги сабабли ва ташриф режасини бузмаслик учун эрталаб тор доирада яна бир учрашув ўтказиш ҳақида келишиб олдилар.

Тушдан кейин якунловчи ҳужжатларни имзолаш маросими бўлади, бу ҳужжатларда турли соҳалардаги икки томонлама алоқаларни кучайтириш кўзда тутилган. М. С. Горбачев император Акихито билан, шунингдек бир қанча таниқли сиёсат арбоблари, япон жамоатчилигининг намояндалари билан учрашади, матбуот ходимлари билан суҳбатлашади.

РЕЖАДАН ТАШҚАРИ МУЗОКАРА

ТОКИО, 18 апрель. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун Токиода олий даражадаги Совет — Япония музокараларининг режалаштирилмаган тўртинчи даврасп бошланди. Бу даврани ўтказиш учун СССР Президентининг сафар режасига шошилинч равишда ўзгартишлар киритилди. Жумладан, М. С. Горбачевнинг Иокогамага ва Кавасаки шаҳридаги «Комацу» машинасозлик концерни заводига сафари бекор қилинди.

Иккинчи жаҳон уруши тугаган пайтдан буён СССР билан Япония ўртасида ҳамон сулҳ шартномаси тузилган эмас. Мана шундай шартномани тузиш муаммоси музокаралар тўртинчи даврасида муҳокама қилинадиган марказий мавзу бўлиши, шубҳасиз. Совет делегацияси доираларида ТАСС мухбирларига хабар қилишларича, иккала мамлакат ўртасидаги ҳудудий чегараланиш шу жараённинг бир қисми бўлмоғи лозим. Музокараларнинг аввалги давраларида япон томони Кунашир, Итуруп, Шикотан ва Хабомаи ороллари устидан ўз суверенитети тан олинишини талаб қилган эди. Бу оролларни Токио Япониянинг «Шимолий ҳудудлари» деб атамоқда.

Бугун, М. С. Горбачев Японияга қилган ташрифининг расмий қисми тугайдиган кунда Совет — Япония қўшма баёноти, шунингдек иккала мамлакат ўртасида илмий ва маданий ҳамкорликдан тортиб янги ҳаво йўлларини очиш тўғрисидаги аҳдлашувларгача бўлган турли соҳаларда алоқаларни кенгайтиришни кўзда тутадиган 15 та ҳужжат имзоланиши лозим. СССР Президенти император Акихито билан, жамоатчилик вакиллари билан учрашади. Шу бугун Токиода М. С. Горбачев ташриф якунлари хусусида журналистларнинг саволларига жавоб қайтаради.

СССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

ТОКИО, 18 апрель. (ТАСС махсус мухбирлари). СССР Президенти М. С. Горбачев бугун Япониянинг энг таниқли сиёсий арбоблари билан учрашди. Совет раҳбари Бош вазир Т. Кайфу билан музокараларнинг тўртинчи даврасини тугаллаб, парламент вакиллар палатаси раисининг Токио марказидаги қароргоҳига борди. Бу ерда уни вакиллар палатасининг раиси И. Сакураути ва маслаҳатчилар палатасининг раиси И. Цутия, ҳукмрон либерал-демократик партиянинг, шунингдек оппозициядаги социал-демократик партия, Комэйта партияси, Коммунистик партия, Демократик социализм партиясининг раҳбарлари, собиқ бош вазирлар ва парламентнинг бошқа таниқли депутатлари кутиб олдилар.

И. Сакураути СССР Президентини табриклаб, совет раҳбарининг Япония сиёсат олами намояндалари билан ҳозирги учрашуви муҳимлигини таъкидлади. У мамлакатлар ўртасида дўстлик ўрнатиш йўлидаги куч-ғайратлари учун М. С. Горбачевга астойдил миннатдорчилик изҳор этди.

СССР Президенти қисқача жавоб нутқида менинг Японияга қилган ташрифим бир-биримизни яхшироқ билиб олиш, нуқтаи назарларни аниқлаш имконини берди, японлар билан совет кишилари ўртасидаги мулоқот учун янада қулай муҳитни вужудга келтиришга кўмаклашди, ўзаро қизиқиш доирасини кенгайтирди, деб таъкидлади. Бунинг маъноси шуки, деди М. С. Горбачев ташриф асосий мақсадга хизмат қилмоқда. Шу мақсад йўлида янги муносабатларни вужудга келтириш, бу муносабатларни иккала халқ ва давлат имкониятлари ҳамда эҳтиёжларига монанд даражага кўтариш мумкин бўлади.

Иккала томон ишонч муҳитини мустаҳкамлаш орқали ҳозир у ёки бу сабабларга кўра узил-кесил бартараф этилмай қолаётган муаммолар тугунини ечиш имконини ҳам излайди. Ташриф давомида икки томонлама муносабатлар соҳасида ва халқаро соҳада ҳам нуқтаи назарлардаги бир талай муштараклик аниқланди ва бу нарса тегишли ҳужжатлар ҳамда битимларда ўз аксини топади. Келишиб олинган ҳамма режалар турмушга татбиқ этилиши лозим, деб таъкидлади М. С. Горбачев.

МАНФААТДОРЛИК ОРТАДИ

Бозор муносабатларига ўтилиши пахтакорларнинг сарф-харажатларини бирнеча баробар ошириб юборди. Пискент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози деҳқонлари фақат техника қисмларини олиш учунгина 17 минг сўм сарфладилар. Бир тонна уруғлик чигитнинг баҳоси эса 1750 сўмга тушди. Хўш, шунча сарф-харажатни қоплаш ва фойда олиш учун нима қилиш керак? Хўжалик аъзолари бу борада бир мунча тажриба орттирганлар. Гап шундаки, Наманганнинг «Қизилравот» совхозидан 20 тонна «Элита», 20 тонна 2-репродукцияли уруғ келтирилди. 1991 йилда 740 гектар пахта майдонининг 300 гектарига сараланган уруғ экяптилар. Ҳали районлаштирилмаган навни экишдан мақсад бу уруғлик ҳосилининг толаси сифатли, баракали бўлади. Шу билан биргаликда топширилган пахтага 20 фоиз миқдорида қўшимча ҳақ тўланади.

(Ўз мухбиримиздан).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссияси раёсатининг навбатдаги мажлиси бўлди. Раёсат аъзолари — Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитети раиси М. М. Мирқосимов билан Марказий назорат комиссияси раисининг ўринбосари И. Р. Иноғомовнинг жумҳурият бир қанча вазирликлари ва идораларининг, вилоятларининг, шунингдек Тошкент шаҳри бошқармалари, корхоналари ва ташкилотларининг коммунист раҳбарлари Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ССРда аҳолига энг зарур молларни белгиланган миқдорда сотишни назорат қилишни кучайтириш тўғрисида»ги 1991 йил 1 апрель қарорини қандай бажараётганликлари юзасидан ўтказилган текшириш натижалари ҳақидаги ахборотлари тингланди ва муҳокама қилинди.

Биргаликда ўтказилган текширишда коммунист-раҳбарларнинг кўпчилиги энг аввало мазкур масаланинг сиёсий аҳамиятини ҳисобга олаётганликлари, чакана нархлар ислоҳоти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир тадбирларни ўз вақтида ва тўла амалга оширишда шахсан жавобгар эканликларини ҳис қилаётганликлари аниқланди. Текширилган меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида ташкилий ишлар амалда ниҳоясига етказилган. Кўпгина саноат корхоналарида ишчи ошхоналарида овқатланганлик учун қўшимча ҳақ тўланмоқда, барча талабалар тушлик учун қиймати 1 сўм 50 тийинлик текин талонлар билан таъминланганлар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг тавсиясига мувофиқ Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронлари, уларга тенглаштирилган кишилар ва шахсий пенсионерларга ўзлари аввал бириктириб қўйилган ерларда, асосан «Фахрий» дўконларида хизмат кўрсатилмоқда.

Шу билан бирга текшириш чоғида жиддий камчиликлар ҳам очиб ташланди. Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов, Киров, Ленин, Чилонзор районларидаги бир қанча дўконларда ажратилган фондларга мувофиқ номенклатура бўйича савдо тармоқларига моллар етказиб беришнинг ҳар ўн кунга белгиланган миқдорига риоя этилмаяпти, савдо қоидалари қўпол бузилганлиги, харидорларнинг манфаатлари камситилганлиги фактлари аниқланди. Савдо ходимлари томонидан баъзан харидорларга нисбатан йўл қўйилаётган одобсизлик, қўпол муносабат, савдо шохобчаларида хизмат қилиш тартибининг такомиллашмагани, белгиланган миқдордаги молларнинг йўқлиги аҳолида ҳаққоний равишда норозилик туғдирмоқда.

Текширилган ишчи ошхоналарига озиқ-овқат маҳсулотлари муттасил етказиб берилмаслиги натижасида, таомларнинг турлари кам бўлмоқда, ўринлар етишмаяпти, сифатсиз овқат тайёрланишига йўл қўйилмоқда. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ошхоналарига ўқувчиларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари комбинатидан маҳсулотлар кечикиб келтирилмоқда, сут маҳсулотлари, сабзавот ва мевалар етарли даражада олиб келинмаяпти, овқатнинг сифати қувватига кўра санитария нормаларига мос келмайди. Кўпгина мактабларнинг ошхоналарида, айниқса Киров ва Собир Раҳимов районларидаги мактабларнинг ошхоналарида шундай камчиликлар бор эди.

Бундай фактлар бошқа минтақаларда ҳам борлиги аниқланди. Чунончи, Қорақалпоғистон жумҳуриятида текшириш ўтказилган куни савдо корхоналарининг 10 фоиздан кўпроғи моддий бойликларни қайта баҳолашни тугалламаган ва амалда аҳолига хизмат кўрсатишмаётган, дўконларнинг бир қисми эса иш вақтида ҳам ёпиқ эди. Тошкент вилоятининг қатор районлари ва шаҳарларида маҳаллий Совет идоралари ва

(Давоми 2-бетда).

• *Чорвачилик «Тошкент ҳақиқати» назоратида*

ОТАРЛАРГА ОТАР ҚЎШИЛДИ

Чорвачиликда қишлов ҳам, қўзилатиш мавсуми ҳам, ундан кейинги даврлар ҳам масъулиятли ҳисобланади. Оҳангарон районида қишловга пухта тайёргарлик кўрилганлиги яхши самара берди. Қўзилатиш мавсуми муваффақиятли якунланди. 39635 бош совлиқдан режадаги 35823 бош ўрнига 36826 бош қўзи олинди. Шундан 72 таси эгиз туғилди.

Жумладан, «Оҳангарон» совхозида ҳар юз бош совлиқдан 91 бошдан, Ворошилов совхозида 93 бошдан дуркун қўзи олинди. Қўзи олиш режаси «Шоди Малик» ижара хўжалигида 112, «Бирлик» ижара хўжалигида 104 фоизни ташкил этди. Бу ишда қўйчивонлардан «Серго»лик Б. Абдиев, «Ангрен»лик А. Қўчқоров, «Оҳангарон»лик Т. Ҳасановлар фидойилик кўрсатишди. Қўйбоқарларнинг олдида турган эндиги вазифа отарларга қўшилажак қўзиларни соғлом ўстиришдан иборат.

М. ҚАЮМОВ.

ҲАР БИР ХОНАДОНДА СИГИР БЎЛАДИ

ҒАЛАБА районидаги «Огонёк» совхоз-заводида чорвачиликка дуруст эътибор берилмоқда. Фермада жами 1079 бош қорамол боқилади. Шундан 344 таси соғин сигирлардир. Айни кунларда ферма чорвадорлари ўз режаларини ортиғи билан уддаламоқдалар. Дастлабки уч ойда режадаги 213 тонна ўрнига 229,8 тонна сут сотилди. Бундан ташқари 40 тонна сут болалар боғчаси, мактаб ва совхозда истиқомат қилаётган қарияларга берилди. Ҳозир ҳам кунига 500 литр сут шу мақсадда аҳолига ажратилмоқда.

Гўшт топшириш режаси ҳам ортиғи билан уддаланди. Режадагидан 42 тонна кўп гўшт сотилди.

— Бу борадаги ишларимиз чакки эмасу, лекин буни ҳали талаб даражасига етказиш учун кўп меҳнат қилишимиз керак,— дейди бош зоотехник К. Дўстмуғомбетов.

Галдаги вазифалардан бири сут миқдорини ошириш учун говмушларни кўк озуқа билан таъминлашни яхшилашдир.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, чорвадорларнинг унумлироқ меҳнат қилишлари учун моддий манфаатдорликлари оширилди. Йил бошидан бошлаб, бир центнер сут соғиб олган соғувчига қўшимча 4 сўм 50 тийин тўлаш жорий этилди. Ҳар бир соғувчининг ойлик маоши ўртача 450—500 сўмни ташкил қилмоқда.

Республика Президенти Фармонига биноан хонадонларни сигир билан таъминлаш борасида ҳам талайгина ишлар амалга оширилди. Ўтган йили аҳолига 140 бош бузоқ сотилди.

Т. МЕҲМОНҚУЛОВ,
Ғалаба райони.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ УЧУН САБЗАВОТ

Тошкент шаҳри аҳолиси учун Польша жумҳуриятидан 10 минг тонна сифатли картошка келтириш режалаштирилган. Шундан 2 минг тоннаси ҳозирданёқ вагонлардан тушириб олиниб сабзавот дўконларида сотила бошлади.

Шаҳар аҳолисини бошқа сабзавотлар билан таъминлаш ишлари ҳам жадаллаштирилмоқда. Биргина апрель ойининг ўзида минг тонна сабзавот, шу жумладан 350 тонна бодринг, 100 тонна сабзи, 450 тонна редиска ва бошқа кўкатлар сотилди.

— Дўконларимизга кирган харидорларнинг рўзғор халталари тўлиб кетсин,— дейди шаҳар кооператив агросаноат бирлашмаси раисининг ўринбосари Ж. Абдусаломов.— Хўжаликлар даласидан келаётган маҳсулотларнинг сифатли бўлишига алоҳида эътибор бераяпмиз. Бу борада Орджоникидзе ноҳиясидаги «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ибрат бўлмоқда. Мазкур хўжалик шу кунга қадар шаҳар аҳолисига юз тоннадан ортиқ турли сабзавот ва кўкат етказиб берди. Харидорлар маҳсулотларни тез ва соз харид қилишлари учун шароит яратилмоқда. Юзга яқин кўчма дўкон аҳоли зич яшайдиган жойларда савдо қилмоқда. Май ойида эса ана шундай дўконлар сони 400 тага етади.

Бизда картошка нархи бозордагидан анча арзон: килоси 60 тийин. Бирлашма омборларида чет элдан келтириладиганини ҳам қўшиб ҳисоблаганда жами картошка 16 минг тоннани ташкил этади.

(ЎзТАГ мухбири).

• *КОММУНИСТЛАР ОММА ОРАСИДА*

МАВҚЕЛАРИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШДИ

— Жамоамиз олдида ечимини кутиб ётган талайгина муаммолар турибди. Мустаҳкам, уюшган партия ташкилотисиз уларни тез орада ҳал этишга, гапнинг очиғи, ишониш қийин.

Тан олиш керак, бундай гапларнинг бизнинг давримизда кўп ҳам гувоҳи бўлавермайсиз. Бугунги кунда коммунистлар шаънига турли ножоиз гаплар айтиш, меҳнат жамоалари ҳаётидаги бошланғич партия ташкилотлари роли ва аҳамиятини камситиб кўрсатиш одат тусига кириб қолди. Ҳатто, баъзи жойларда улардан умуман воз кечиб, ўз жамоаларида бундай бошланғич ташкилот тарқатиб юборилди, деб эълон қилишга шошилганлар ҳам бўлди. Собиқ Тошкент нефть маҳсулотларини ташиш-тақсимлаш корхонаси жамоасида айнан шундай воқеа юз берганини эслатиб ўтмоқчимиз. Аниқроғи, мазкур корхона раҳбари КПССнинг эндиликдаги бир неча собиқ аъзолари билан айнан шундай бўлишини жуда исташган эди. Нима ҳам дердик, очиғи, бу одамлар баъзи нарсаларга эришдилар ҳам. Раҳбарнинг партия сафларидан чиққанини кўриб, дарҳол унга эргашганлар ҳам бўлди. Зудлик билан ўтказилган партия мажлиси бошланғич ташкилотнинг тарқатиб юборилганини эълон қилишга шошилди.

Бироқ, бу қарор на ҳуқуқий жиҳатдан, на ишнинг моҳияти жиҳатидан тўғри қабул қилинмаганди. Зеро, бошланғич партия ташкилоти, нима бўлишидан қатъий назар, мавжуд эди ва унда ўз фаолиятини тўхтатиш нияти ҳам йўқ эди, чунки жамоада бу фавқулодда мураккаб пайтда бирдан «кўзи очилиб», КПССга нисбатан ишончини йўқотганлар билан бир қаторда партия аъзоси деган номдан воз кечмаган, ўз принципиал мавқеини сақлаб қолиб, коммунистик эътиқодига содиқлигини йўқотмаган одамлар ҳам кўпчилик эди.

Бундан ташқари айтиш мумкинки, бу ерда бўлиб ўтган эҳтиросли воқеалардан сўнг (улар ҳақида «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» рўзномаларининг шу йил 23 март сонида чоп этилган «Очиқ хат»га очиқчасига жавоб» мақоласида ҳикоя қилинганди), бошланғич партия ташкилоти расман ўз сафларини сақлаб қолиш билан бир қаторда, маълум маънода жамоадаги ўз мавқеини тиклаб ҳам олди. Айниқса, бу даврда жамоада ва партия бошланғич ташкилотида юз бераётган жараёнларга нисбатан ўз муносабатларида ўз тиллари билан айтганда «ҳайрихоҳлар» билдираётган фикрларга қараб эмас, балки ўз ақллари билан иш тутишга одатланганликларини исботлай билган А. Маҳмудов, А. Сафин каби катта тажрибага эга коммунистлар, меҳнат фахрийлари ўзларининг хотиржам, омилкорона ишлари билан бошқаларга ўрнак бўлишди. Шу тариқа кимлардир йўққа чиқариб улгурган бошланғич ташкилот жамоага барқарор таъсир ўтказиб, ўз тарафдорлари сонини кўпайтира борди. Бу одамлар КПСС учун оғир бўлиб турган бугунги кунда ҳам унга илғор ғояларни илгари сурувчи, фақат сўзда эмас, балки амалда ҳам жамиятни бирлаштира олувчи, жамоаларни иқтисодий ва ижтимоий қийинчиликларни енгиб ўтиш йўлидан бошлай олувчи ташкилот сифатида ишонч билан қарамоқдалар. Ҳар қалай яқинда ташкил этилган «Таштранснефтепродукт» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ёш коммунистлари бизга айнан шулар ҳақида гапиришди.

Бу янги бирлашма эса собиқ Тошкент нефть маҳсулотлари ташиш-тақсимлаш корхонаси ва собиқ Ўрта Осиё магистрал нефть маҳсулотлари қувурлари корхонаси базасида ташкил этилди. Мутахассислар ушбу янги бирлашма истиқболини бағоят умидли деб билмоқдалар. Мазкур корхона республикамиз нефть маҳсулотлари ташиш тармоғи ривожланиши учун асос бўлади. Янги ишлаб чиқариш бирлашмасининг ташкил этилиши билан нефть маҳсулотларининг заводдан то истеъмолчигача ҳаракатини бошқариш деярли ягона қўлга ўтади. Бу деган гап амалда ёнилғи исрофгарчилигига чек қўйилади, истеъмолчиларга жўнатилаётган нефть маҳсулотларининг сифати ошади, демакдир. Шу билан бир қаторда янги бирлашма ишини йўлга қўйиш учун маълум муддат зарур. Бунинг боиси бир томондан ташкилий аҳамиятга эга баъзи масалаларнинг ҳал этилмагани бўлса, иккинчи томондан икки корхона бирлашиши туфайли уларнинг ечимини кутиб ётган муаммолар ҳам қўшилганидир. Бу борада «Таштранснефтепродукт» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А. Қ. Маҳмудов фикрига қўшилмай иложимиз йўқ. Мақоламизни. унинг бирлашма коммунистларининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида коммунистлар, бошланғич партия ташкилотисиз мавжуд вазиятдан чиқиб кетиш мумкин эмаслиги ҳақида билдирган фикри билан бошлаган эдик.

Аввало жамоада барқарор маънавий ахлоқий муҳитни яратиш лозим. Бу борадаги аҳвол эса, албатта, рисоладагидан анча йироқ. Янги корхона раҳбарияти барча бўлим ва хизматчларнинг уюшқоқлик билан ишлашини ташкил этиш учун кўпгина омилларни ишга солмоқда. Бироқ, мавжуд вазиятда коммунистлар сўзи, уларнинг аҳволини яхшилаш борасидаги шахсий намунасига ҳам кўп нарса боғлиқ.

Бугунги кунда бирлашманинг ишлаб чиқариш хусусиятига хос муаммолари ҳам талайгина. Коммунистларнинг партия бюроси мажлисларини ишлаб чиқариш мажлисларига айлантиришга даъват этмаган ҳолда, партия ташкилоти кўпгина хўжалик юритиш масалаларини инкор этиши, улар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга иштирок этишдан ўзини четга олиши мумкин эмаслигини таъкидламоқчимиз. Бу борада фаолиятнинг қандай шакл ва усулларидан фойдаланиш лозимлиги ҳақида фикр юритиш бу бошқа масала.

Қандай иш юритиш кераклигини бошланғич ташкилотнинг ўзи ҳал қилади. Эътиборталаб ишлар эса бу ерда кўп. Собиқ нефть маҳсулотлари ташиш-тақсимлаш корхонасининг кўпгина участкалари бугунги кунда анча таъмирталаб бўлиб қолган. Янги бирлашма бош директорининг рўзнома мухбирларига айтишича, бу ердаги кўпгина иншоотлар мутахассисларнинг синчиклаб кўздан кечиришини тақозо этмоқда. Уларнинг кўпчилиги зудлик билан таъмирлашга муҳтож. Акс ҳолда келажакда уларнинг ишончли ишлашига кафолат бериш қийин.

Партия ташкилоти корхона ходимларининг меҳнат ва дам олиш шароитларини ҳам ўз назорати остига олса ёмон бўлмасди. Зеро, кўпгина мисоллар меҳнат ва дам олишнинг муносиб шароитлари ҳақида кўп гапирилиб, оз иш қилинаётганидан далолат бермоқда.

Шундай экан, ўз соҳасининг бообрў мутахассисларидан ҳисобланмиш бош директор (ўз вақтида А. Қ. Маҳмудов Тошкент нефть маҳсулотлари ташиш-тақсимлаш корхонаси қурилишини якунлаб, уни фойдаланишга топширганди) фикрини давом эттириб, унга шундай қўшимча қилмоқчи эдик: бошланғич партия ташкилоти, алоҳида ҳар бир коммунист бугунги кунда меҳнат жамоасига фақат ёрдам берибгина қолмай, балки фаол, аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб бориши ҳам керак. Жамоада эса коммунистлар кўпчилик. Яқинда бўлиб ўтган партия йиғилишида бошланғич партия ташкилоти сафи янада кенгайди. Бу кўп сонли коммунистлар ишлаб турган икки жамоанинг бирлашиши туфайлигина юз бергани йўқ. Гап шундаки, янги бирлашманинг бир йўла 7 ходими ўзининг келгуси тақдирини партия билан боғлашга аҳд қилди. Йиғилишда уларнинг бари КПСС сафига қабул қилиндилар. Ана шу воқеанинг ўзиёқ ҳам жамоада, ҳам бошланғич партия ташкилотида юзага келган мураккаб вазиятга нисбатан бошланғич партия ташкилоти муносабатини кўрсатиб турибди. Қолаверса, тарихда неча бор бўлгани каби партия, унинг бошланғич ташкилотини йўқ қилишга, «архивга топширишга» уринаётганлар ҳаракати бу гал ҳам зое кетганлиги исботланди.

М. КАРИМОВ,
У. АБДУШОҲИДОВ.

ОТАХОННИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ

МУҲАММАДЖОН ота Эргашевни «Партия XXII съезди» колхозида танимаган одам йўқ. Катта-ю-кичик у кишини уста деҳқон, қобил фарзандларнинг отаси сифатида ҳурмат билан тилга олади.

Муҳаммаджон ота катта оилага, беш ўғил, беш келиннинг туриш-турмушига бош-қош. Маҳалланинг катта-кичик йиғинида маслаҳатгўй. Отахон оилавий звено тузиб, фарзандлари кўмагида бу йил 30 сотих ерга картошка уруғи, 10 сотихга карам, 20 сотихга помидор кўчати экиб, парвариш қилишни режалаштирган.

— Ўтган йилги ҳосилдан тушган даромад қандай бўлди,— деб сўрайман Муҳаммаджон отадан.

— Неча сўм пул бўлганлигини аниқ айтолмайману, деҳқончиликдан келган даромадга иккита келин тушириб олдим,— дея соддагина жавоб қилди отахон.

«Ленин йўли» колхозининг Н. Анорқулов бошлиқ 12-бригада аъзолари 1991 йилда 95 гектар ерда пахта, шунингдек, 17 гектарда каноп, 27 гектар ерда силос учун маккажўхори, 3 гектарда помидор, 1 гектарда эртаги карам етиштирадилар. Сабзавотнинг хилма-хил турларини парвариш қилишдан мақсад алмашлаб экишни жорий қилиш, бригада аъзоларининг йиллик даромадларини ошириш кўзда тутилган.

М. БОЗОРАЛИЕВ,
Ўрта Чирчиқ райони.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Назорат комиссиясида

(Давоми. Боши 1-бетда).

савдо корхоналари раҳбарларининг хатога йўл қўйиши натижасида товар ресурсларини қайта ҳисоблаб чиқиш ва савдо шахобчаларини белгиланган миқдордаги кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлаш асоссиз равишда чўзилиб кетди. Аҳолига ун, гуруч, ўсимлик ёғи ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш ва сотишда ҳам узилишларга йўл қўйилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Назорат комиссиясининг раёсати ишларнинг бундай аҳволига савдо ва умумий овқатланиш соҳасидаги айрим ходимларнинг сусткашлиги ва одамларнинг эҳтиёжларига бефарқ қарашаётгани, бошқарув ўрта бўғинидаги раҳбарларнинг уларга нисбатан етарли даражада талабчанлик қилмаётгани, жойлардаги партия идоралари тегишли вилоят, шаҳар ва район корхоналари ҳамда ташкилотларининг коммунист раҳбарларига нисбатан талабчанликни пасайтириб юборганлари асосий сабаб бўляпти, деб ҳисоблайди.

Вилоят, шаҳар ва район партия ташкилотларининг назорат комиссияларига партия комитетлари билан биргаликда халқ назоратчилари, касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлар кенг доирасини жалб этиб, жойларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир тадбирлар қандай амалга оширилаётганини яна текшириш, бу ишда коммунистларнинг фаол қатнашишига эришиш тавсия қилинди. Ўз шахсий фаолиятсизлиги ва ўзбошимчалик билан ўйламасдан чиқарган қарорлари бозор иқтисодиётига ўтишдаги объектив қийинчиликларни чуқурлаштираётган, бу билан Ўзбекистон Компартиясининг обрўсига зарар етказаётган КПСС аъзоларига, энг аввало барча раҳбарларга талабни кучайтириш топширилди.

Олий таълим вазирлиги билан халқ маорифи вазирлиги, Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо, умумий овқатланиш ва халқ маорифи бош бошқармалари раҳбар коммунистларининг тартиббузарликларнинг барча бандлари юзасидан айбдорларга нисбатан зарур хулосалар чиқарилади, уларга нисбатан ҳатто лавозимидан бўшатишгача бўлган жазо чоралари қўлланилади, Президент фармонлари ва Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг мазкур масала юзасидан чиқарган қарорлари сўзсиз бажарилиши учун қўшимча тадбирлар кўрилади, деб айтган гаплари маълумот учун қабул қилинди. Раёсат КПСС аъзолари — республика миқёсидаги бошқарув бўғини раҳбарларининг шахсий партиявий жавобгарлиги тўғрисидаги масалани қайта текшириш натижаларига кўра зарурат бўлганида муҳокама қилиш мумкин, деб ҳисоблади.

КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди номига юборилган шикоят-аризалар асосан кўриб чиқиб бўлинди. Коммунистларнинг бошқа шикоятлари ва аризалари, шу жумладан, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари илмгоҳи ректори О. У. Салимовнинг аризаси юзасидан ҳам қарорлар қабул қилинди. СССР прокуратураси жиноий воқеа йўқлиги сабабли унга нисбатан қўзғатилган жиноий ишни тўхтатганини, илмгоҳ бошланғич партия ташкилотининг илтимосномасини ва ижобий характеристика берганини ҳисобга олиб, Марказий Назорат комиссиясининг раёсати О. У. Салимовни 1957 йилнинг май ойидан КПСС сафига тиклади.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ котиби Р. Ҳ. Абдуллаеванинг уни партияга тиклаш тўғрисидаги аризасини текшириш юзасидан Марказий Назорат комиссияси раёсатининг аъзоси Н. А. Муҳиддинов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳнинг иш натижалари муҳокама қилинди. Текшириш ва Марказий Назорат комиссияси назорат гуруҳи мажлисларида бир неча марта қилинган муҳокама чоғида аниқланганидек, у Марказий Комитетнинг 1987 йил 25 мартда бўлган бюросида ўз шаънига айтилган танбеҳларни, мафкуравий ва кадрлар ишида йўл қўйган камчиликлар ҳамда хатоларни эътироф қилган, айни вақтда бу хатолар умуман Марказий Комитет котибияти ва бюроси фаолиятидаги хато ва камчиликлар оқибати эканлиги тўғрисида ҳам фикр билдирган.

1987 йилнинг декабрида Марказий Комитет VII пленуми СССР прокуратурасининг тақдимномаси асосида партия турмуши нормаларини қўпол равишда бузганлиги, ғаразли мақсадларда хизмат мавқеини суиистеъмол қилганлиги ва порахўрлиги учун уни сиртдан КПСС сафидан чиқарган эди. 1990 йил 15 январь куни СССР Олий судининг жиноий ишлар судлов коллегияси Р. Ҳ. Абдуллаевага қўйилган айбларда далиллар бўлмагани учун уни айбсиз деб топди ва жиноий воқеа йўқлиги сабабли ишни тўхтатди. Шунингдек унинг мусодара қилинган мулки ва бойлиги қайтариб берилади.

Р. Ҳ. Абдуллаева КПССдан ўчирилаётган вақтида қўйилган айблар бекор бўлганини, ишда йўл қўйган жиддий камчиликлари учун партиявий жавобгарликка (Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби лавозимидан бўшатилган) тортилганини эътиборга олиб, Марказий Назорат комиссиясининг раёсати Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ижтимоий-сиёсий муаммолар илмгоҳи бошланғич партия ташкилотининг уни КПСС сафига тиклаш тўғрисида 1991 йил 18 январдаги илтимосномасини асосли деб топди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатини қамоққа олишга рухсат беришда ва партиядан ўчиришда Р. Ҳ. Абдуллаеванинг депутатлик мақоми ва коммунистнинг Уставдаги ҳуқуқлари бузилганини, унинг фаолияти тўғрисида жумҳурият коммунистларининг кўпчилиги қарама-қарши мулоҳаза билдирганини, жамоатчилик фикрининг, шу жумладан Марказий Комитет ва Марказий Назорат комиссияси аъзоларининг фикри бир хил эмаслигини ҳисобга олиб, Марказий Назорат комиссиясининг навбатдаги пленумида мазкур масала юзасидан узил-кесил қарор қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Пленум мажлисига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг собиқ аъзоларини, шунингдек республика партия ташкилотидан ташқарида партия ҳисобида турган собиқ аъзоларини таклиф этишга қарор қилинди.

Мажлисда партия ички турмушининг бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилди.

ИЗЧИЛЛИКНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Вилоят прокуратураси, суд ва адлия органлари ходимларининг йиғилишида судларда граждан ишларини кўриб чиқишда қонунчиликка риоя этилишини янада мустаҳкамлаш тадбирлари муҳокама қилинди.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилдики, вилоят ҳуқуқ-тартибот органлари масалаларни ҳал этишда гражданларнинг ҳуқуқ ва манфаатларидан чекиниш фактларига қарши муросасиз кураш олиб бормоқдалар. Ана шу мақсадда прокурор назорати кучайтирилди. Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ўзларига берилган ваколатлардан фойдаланиб, хўжасизлик, сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шартномаларда белгиланган қоидаларнинг бузилиши, давлат, план қонунларига амал қилмаслик каби иллатларни фош этмоқдалар. Ўтган йили вилоят бўйича прокурорлар томонидан 2 миллион сўмликдан зиёд 1 мингта даъво тақдим этилди. Бу даъволарнинг ярми судларда кўриб чиқилиб, қаноатлантирилди.

Гражданлик, меҳнат қонунчилигининг алоҳида категориялари юзасидан суд ҳамда прокурорларнинг биргаликда ҳаракат қилиш тажрибаси якунлари ҳам йиғилишда муҳокама этилди.

Йиғилишда прокуратура, суд, адлия органларида йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам тилга олинди, уларни бартараф этиш бўйича ўзаро тажриба алмашилди.

Суд фаолиятларининг суст ташкил этилиши оқибатида бир ойдан ортиқ муддат мобайнида кўрилган ишлар кўпайиб қолди. Халқ судлари 760 та гражданлик ишларини пайсалга солдилар. Айниқса, бундай ишлар Бўстонлиқ, Янгийўл, Тошкент районлари, Олмалиқ, Чирчиқ шаҳар халқ судларида асоссиз равишда чўзиб юборилмоқда.

• *Вилоят прокуратурасида*

Судларнинг хатолари ўз вақтида тўғриланиб, ҳақиқат юзага чиқарилмаяпти. Вилоят судида халқ судларининг 134 та иш бўйича чиқарган қарорлари бекор қилинди, ва ўзгартирилди. Вилоят суди президиуми судларнинг 182 та адолатсиз қарорларини назорат тартибида бекор қилди.

Шунингдек жиноят содир этилиши туфайли давлатга етказилган зарарни ундириб олиш ҳам талаб даражасида эмас. Судларнинг бу борадаги қарорлари кўнгилдагидек бажарилмаяпти. Ўтган йили Ғалаба, Пискент, Бўка, Бекобод район, Янгиобод, Олмалиқ шаҳар суд ижрочилари ўз вазифаларини яхши бажармадилар. Натижада йил давомида етказилган зарарни ундириб олиш таъминланмади. Чиноз, Калинин, Бўстонлиқ районларидаги суд ижрочилари томонидан эса арзимаган миқдорда пул ундириб олинди, холос.

Ўтган йили вилоят бўйича етказилган зарарларни қоплаш учун 256,2 минг сўм ундириб олинди. Калинин район суд ижрочиси 1987 йилнинг сентябрь ойидан бери Т. Каримовдан Калинин номли колхоз фойдасига 6 минг 675 сўмни ҳамон тўлиқ ундириб бергани йўқ. Жинояти учун ҳукм этилган Т. Каримовнинг мол-мулки текширилмаган, етказилган зарарни ундириш юзасидан қатъий чоралар кўрилмаган.

Халқ судларининг раислари суд ижрочилари ишлари устидан доимий назорат ўрнатмаяптилар.

Йиғилишда баъзи прокурорлар қонунчиликнинг бузилишига қарши лозим даражада чоралар кўрмаётганликлари таъкидлаб ўтилди, йўл қўйилган камчиликларни тугатиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР прокуратурасининг судларда гражданлик ишларини кўриб чиқиш бўйича назорат бўлимининг бошлиғи Р. Муҳаммедов, шу бўлим прокурори В. Қосимов, шунингдек адлия бошқармаси, вилоят суди раҳбарлари, шаҳар, район прокурорлари, уларнинг ёрдамчилари, халқ судьялари, суд ижрочилари иштирок этдилар.

КЎКСАРОЙ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

МАҲАЛЛА идорасининг ҳовлисига кирар эканман, теварак-атрофнинг тартибли, орасталиги ҳамда фаоллар йиғиладиган хонадаги шинам ва чиройли қилиб ишланган «Меҳнат кексалари», «Улуғ Ватан уруши кексалари» деб номланган ва бошқа стендлар беихтиёр эътиборимни ўзига тортди. Меҳнат кексалари орасида жамоалаштириш даврида фаол иштирок этиб, ҳалол меҳнат қилган марҳум отамнинг суратларини кўриб ҳадсиз қувониб кетдим. Кўзимдан севинч ёшлари қалқди.

Хаёл мени отамнинг бир гапларини ёдимга туширди. Бундан икки йил аввал раҳматли хурсанд бўлиб, уйга кириб келдилар. Қўлларида бир килограмм ҳинд чойи.

— Барака топкур маҳалла бошлиғи Қобилжон, мени қўярда-қўймай дўконга олиб кириб, тоза чой олиб берди. Умри узоқ бўлсин дея, севинчлари ичларига сиғмасди.

Тўғри, бу бир қарашда кишига арзимаган нарса бўлиб туюлади. Отамиз чойни ўз пулларига харид қилганлар. Лекин қария отамизнинг қанчалар хурсанд бўлганларини айтмайсизми. Зарраде к яхшилик ҳам одамлар учун худди тоғдек кўринади.

• *Маҳалла фаоллари ҳақида ҳикоялар*

— Тошкент ноҳиясига қарашли Кўксарой маҳалласида 36 нафар Улуғ Ватан уруши қатнашчиси истиқомат қилади, — дейди маҳалла қўмитаси раиси, Улуғ Ватан уруши ветерани Қобил ака Собиров. — Бу кексаларнинг ҳаммаси имтиёзлардан фойдаланмоқдалар. Жумҳуриятимиз Президентининг фармони, айниқса, бизни мамнун этди. 1990 йил октябрь ойидан бошлаб Улуғ Ватан уруши фахрийлари Соқи ака Мирзакаримов 100 сўм ўрнига 275 сўм, Ҳаким ака Жўраев 112 сўм ўрнига 275 сўм, Алим ака Раҳмонов 84 сўм ўрнига 252 сўм, ўзим 97 сўм ўрнига 215 сўмдан пенсия пули олаётганлигимиз фикримизнинг далилидир. Маҳалламизда яшовчи Тўхта опа Ёқубова ва Тошбуви Рамазоновалар шу вақтга қадар кексалик нафақаси олишмас эди. Фаолларимизнинг ёрдами туфайли уларга ҳам район ижтимоий таъминот бўлимидан 70 сўм миқдорида қарилик нафақаси тайинланди.

Улуғ Ватан уруши фахрийлари райондаги 20-озиқ-овқат дўконидан гўшт, чой, сариёғ, консерва каби озиқ-овқат маҳсулотларни, 28-саноат моллари дўконидан кийим-кечаклар харид қилиб турадилар. Айниқса, З. Ҳабибуллаева мудирлик қилаётган 20-озиқ-овқат дўкони ходимлари ветеранларга иложи борича яхшироқ хизмат кўрсатишга ҳаракат қилишмоқда.

Очиғини айтсам, кўпдан бери маҳалламиздаги фуқароларнинг бири сифатида талаб даражасидаги новвойхона ва чойхона бўлишини орзу қилар эдим. Мана, бир неча ой бўлдики, маҳалламизда янги типдаги новвойхона ишга тушди. Янги, замонавий чойхона қад кўтарди.

— Новвойхона ва чойхонани қуриш тўғрисидаги маҳалла аҳлининг наказини депутатимиз, район партия қўмитасининг биринчи котиби Т. Мирёқубовга айтдик, — деди Қобил ака, — у киши маҳалламиз аҳлининг, фахрийларнинг талабини амалга оширишга ҳаракат қилдилар. Мана, ижросини кўриб турибсиз. Маҳалламиз фаоллари бундан миннатдорлар.

Ҳа, Қобил ака бошлиқ етти нафар маҳалла қўмитасининг аъзолари ҳамма ишда бош-қош. Маҳалла аҳлининг тўй-маъракаларида иштирок этадилар. Маҳалла қўмитасининг сайъи ҳаракати билан тўй қилаётган кишига камёб буюмлар (гилам, телевизор, полос, мебель, холодильник каби) ажратилмоқда.

Албатта, ҳали қишлоғимизнинг янада обод, кўримли, файзли бўлиши учун маҳалла аҳлининг амалга оширадиган ишлари, режалари талайгина. Қобил ака Собировга ўхшаган фидойилар бор экан, Кўксарой янада чирой очаверади.

С. БОБОМЕТОВ,
Тошкент райони.

● БЕКОБОД шаҳридаги Ўзбекистон металлургия заводининг пўлат эритувчиси Павел Иванович Примак мана 25 йилдирки, мазкур корхонанинг мартен цехида баҳоли қудрат меҳнат қилиб келмоқда. Бундай оғир участкада чорак аср узлуксиз ишлаш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Кўплаб шогирдларга мураббийлик қилган ўз касбининг устаси Павел Иванович хизматлари эвазига 3-даражали «Шавкатли меҳнати учун» ордени билан тақдирланган.
Сураткаш М. ҚОРАБЕКОВ.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ЛЕНИНИЗМ ТАРҒИБ ҚИЛИНМОҚДА

● ТАСС мухбири Пекиндан хабар беради: бу ерда В. И. Ленин сайланма асарлар тўплами иккинчи нашрининг тўлиқ чоп этилиши муносабати билан баҳс давраси бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари ленинизмни ўрганиш, тадқиқ этиш, тарғиб қилиш ҳақиқий марксизм назарияларини Хитойда социализм қурилиши билан амалий боғлаш имкониятларини беради, деб таъкидладилар. Мазкур баҳс давраси ҳақидаги ҳисоботни «Жэньминь жибао» рўзномаси ХКП Марказий Комитетининг «Цюши» назарий ойномасидан кўчириб босди.

АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

● ВЕНГРИЯ Жумҳурияти президенти Арпад Генц Ҳиндистоннинг «Индепендент» рўзномаси мухбири билан қилган суҳбатида, жумладан, шундай деди: «СССР билан Венгрия ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик бундан буён ҳам давом этади. Венгрия Совет Иттифоқидан ажраб кетиши, мутлақо, мумкин эмас. Бизнинг мамлакатларимиз қадимий шериклар ҳисобланадилар. Венгриянинг 40 фоиз маҳсулоти СССРга жўнатилади. Совет Иттифоқисиз бизнинг иқтисодиётимизда бўшлиқ ҳосил бўлган бўлур эди. Келажакда икки томонлама савдода тижорат улуши бироз камайиши мумкин, бироқ бизларнинг иқтисод ҳамда сиёсат соҳасидаги алоқаларимиз мустаҳкам бўлиб қолмоғи даркор».

ИРОҚЛИК ҚОЧОҚЛАРГА ЁРДАМ

● МАЪЛУМКИ, Ироқ заминини мажбуран ташлаб кетаётган курд миллатига мансуб кишиларнинг аҳволи ниҳоятда танг бўлиб турибди. Эрон, Туркия ҳудудларидан ўтиб келаётган минг-минглаб кишилар озиқ-овқатга муҳтож бўлмоқдалар, натижада улар орасида хасталар ва ўлганлар сони тобора кўпаймоқда.

АҚШ Президенти Ж. Буш Америка Қўшма Штатлари Ироқнинг шимолий ҳудудларида қурд қочоқлари учун махсус лагерлар яратишга аҳд қилганлигини эълон қилди. АҚШнинг ҳарбий-ҳаво ҳамда қуруқликдаги кучлари БМТнинг Хавфсизлик Кенгашининг 688-қарорини амалга ошира бориб, тузилажак лагерларнинг хавфсизлигини Англия ҳамда Франция билан биргаликда таъминлайди, деди Ж. Буш. Шунингдек, АҚШ президенти, бу деган гап, АҚШ Ироқнинг ички ишларига аралашяпти, деган гап эмас, деб таъкидлади. Бироқ, у АҚШ Ироққа нисбатан иқтисодий қамални давом эттираверади, деб айтди.

ИРОҚ ИЛТИМОС ҚИЛДИ

● ИРОҚ раҳбарияти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши комитетига мурожаат қилиб, қамал шароитида Ироққа бир миллиард доллар миқдорида нефть маҳсулотларини сотишга ижозат берилишини илтимос қилди. Ироқ томонининг гапларига қараганда, савдодан тушган маблағ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи учун сарфланади.

ФОЙДАЛИ БИТИМ

● СССР ташқи иқтисодий банки билан Корея Жумҳурияти экспорт-импорт банки ўртасида Жанубий Корея хом ашёлари ҳамда маҳсулотларига тўлаш учун СССРга саккиз юз миллион Америка доллари ҳажмида қарз берилиши тўғрисидаги битим имзоланди. Ўтган сешанба куни Сеулда имзоланган мазкур битим ҳар иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни бирмунча юқори поғонага кўтаради. Маълумки, 1990 йилда СССР билан Корея Жумҳурияти ўртасидаги савдо-сотиқ муомаласи 889 миллион долларни ташкил этган эди. Бу йил эса бу рақамнинг 1,5 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

ҚАРШИЛИК КЎРСАТМОҚДАЛАР

● ЛИВАН ҳукуматининг қуролланган турли ҳил гуруҳларни қуролсизлантириш тўғрисидаги режаси тобора кўпроқ тўсиқларга дуч келмоқда. Ўтган сешанба куни маҳаллий телекўрсатув орқали сўзлаган нутқида Бош вазир Омар Караме юқоридаги фикрни билдирди. Унинг гапларига қараганда, мамлакат ҳудудида турган фаластинликлар ҳамда эронпараст «Хизбуллоҳ» ташкилоти тарафдорлари қурол-аслаҳаларни топширишдан бош тортмоқдалар. Ҳарбийлашган гуруҳларни қуролсизлантириш апрель ойининг охирида тугалланиши лозим эди. Лекин юқоридаги келишмовчиликлар туфайли бу жараён ҳали номаълум муддатга чўзиладиганга ўхшайди. О. Караме ҳали музокаралар давом этяпти, келишувга эришсак, ажаб эмас, деб умид билдирди.

КИЕВДАГИ «ЭЛЕКТРОНМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
СМ 1810 ТУРКУМИГА КИРУВЧИ



«НИВКА»

ЯНГИ МИКРО-ЭҲМ МОДЕЛИНИ ТАВСИЯ ҚИЛАДИ

СИЗ ҚУЙИДАГИЛАРГА ЭГА БУЛАСИЗ:

● аппарат муҳити   дастурий муҳит
● 86,87 микропроцессорлари   МДОС1810
● ОЗУ-1 МБдан кам эмас   (микроассемблер, Си)
● қаттиқ ликопча 20 МБдан 80 МБгача   БОС 1810 (микроассемблер, СИ, ПЛ/М, Фортран, Паскаль)
● эгилувчан ликопча 360/720 кБ
● рангли монитор
● стандарт муҳр   ОССФП 1810
● И 41 системали интерфейси

Қўшимча воситалар:

● параллель йўсиндаги тезкор муҳр;
● юқори ечим қобилиятига эга бўлган видеографик назоратчи;
● стандарт интерфейслар билан уланиш;
● ЭҲМ тармоқларига чиқиш;
● объект билан боғланиш қурилмаларининг кенг номенклатураси;
● АСУТПни қуриш учун икки даражали комплекслар;
● саноат муҳитлари учун конструктивлар (асос қилиб олса бўладиган амалий таклифлар).

IBM PC/XT йўсинидаги ЭҲМлар билан дастурий мувофиқлик ТАЪМИНЛАНГАН.

Қуйидагилар учун дастурий таъминот ишлаб чиқарилган:

● Чиқариладиган терминаллар билан кўп фойдаланиш тартибида ишлаш учун;

● дастурлаштириш соҳасида махсус маълумоти бўлмаган лойиҳачига мўлжалланган АСУТП бўйича лойиҳалаштириш ва бирга олиб бориш учун;

● икки даражали бошқарув ва ахборот йиғиш системаларини қуриш учун

Сизнинг ютуғингиз:

● сўмлардаги олса бўладиган баҳоси (база комплекси — 21 минг сўм).

● қисқа муддатда етказиб берилиши;

● Ватанимиз электроникаси билан уйғунликдаги чет эл периферияси;

● пишиқ-пухталиги, ишончлилиги жиҳатидан мазкур йўналишдаги чет эл намуналаридан қолишмайди;

● буюртмани Сизнинг лойиҳангиз асосида жойлаштирилиши;

● бутун хизмат давридаги фирма сервиси, кафолат муддат 3 йил;

● АСУТПни ишлаб чиқиш ва жорий этиш муҳлатларининг қисқартирилганлиги.

МАНЗИЛИМИЗ: 252180, Киев шаҳри — 180, Большая Окружная кўчаси, 4-уй.
Телефонлар: 475-43-00, 475-98-18.
Телетайп: 131062, 132114, 131733, «КОСМОС».

АГАР СИЗГА 10—20 ДОНА АТРОФИДАГИ ТЕРМИНАЛЛАР БИЛАН АХБОРОТЛАРГА КЎП ТЕРМИНАЛЛИ ИШЛОВ БЕРИШ ЗАРУР БЎЛСА, СМ 1425 МАШИНАСИ СИЗ УЧУН ШАХСИЙ ЭҲМларга ҚАРАГАНДА ИҚТИСОДИЙ ВА ТЕХНИКАВИЙ ЖИҲАТДАН ШАКСИЗ УСТУНЛИКЛАРНИ ЯРАТИБ БЕРАДИ

СМ 1425 модули — ДЕС фирмасининг РДС-II моделлари билан дастурий (қўшма СМ ЭҲМлар, СМ3, СМ4, СМ 1420) туркумига кирувчи 16 разрядли ЭҲМ. Системали интерфеси 22 разрядли МПИ (турдоши 22).

СМ 1425 — унумлилиги жиҳатидан илгариги СМ 1420 моделидан қолишмайдиган, IВС РС/АТ билан қиёсланадиган, ниҳоятда мустаҳкам ва илғор йўналишда жиҳозланган, хизмат идораларида ҳам қўлланилиши мумкин бўлган кичик ўлчамли ва кувватни кам истеъмол қиладиган ЭҲМдир.

СМ 1425нинг техникавий ва дастурий воситалари учун кўп масалали ва кўп терминалли тартибларда, реал вақт ва ресурсларни тақсимлаш системаларида фаолият кўрсатишини, шунингдек «вирус»ларнинг берухсат кириб қолишидан ахборотларнинг муҳофаза этилишини таъминлайди.

СМ 1425 таркибига қуйидагилар киради:

● «Винчестер» ST 251 (42 МБ) ёки ST 4096 (80 МБ) йўсинидаги магнит доиралари 2 донадан
● СМ 5639. MI. 01 эгилувчан магнит доиралари 2 дона
● СМ 1425.3537 (2 МБ) жадал хотираси 1 дона
● СМ 7238 ёки СМ 7209.05 терминаллари 2 донадан
● СМ 6337 йўсинидаги изчил муҳр ёки СМ 6315, шунингдек, СМ 6362 йўсинидаги параллел муҳр 1 дона
● НМЛ СМ 5308 (назоратчиси билан) 1 дона
● ИРПС ёки С2 ли 4 қаналли мультиплексор 1 дона
● гуруҳий назоратчи (2-С3, ИРПР 8, ИРПР 16) 1 дона

● МОС РВМ. 01 ёки МОС РВМ. 02 амаллар системаси.

Сизнинг буюртмаларингизга биноан намунавий комплекслар қуйидаги қурилмалар билан тўлдирилиши мумкин:

● мультиплекс канал орқали ЕС ЭҲМ билан алоқа боғланишини таъминлайдиган, модем бошқариш занжирларига эга бўлган, масофадан туриб бошқариладиган СМ 8545 (DPN II) адаптери. Ундан НДZС (Х25) протоколи билан тармоққа чиқишда фойдаланиш мумкин;

● дастурлаштириладиган таймер;
● 4-канал мультиплексори — С2 ёки ИРПС;

● 8-канал мультиплексори — С2 ёки ИРПС (1991 йилнинг IV кварталида етказиб берилади);

● тўғридан-тўғри кириш адаптери;

● «Умумий шина» («Общая шина») системали интерфейсларини мувофиқлаштириш қурилмаси — НПИ;
● содда, бир хил бўлмаган тармоқ таркибида СМ1420, СМ1701, СМ1702, ЕС1840, ЕС1841, 1 ВМ РС билан биргаликда ишлашни таъминлайдиган СМ4610 яхлит тармоқ адаптерлари (IV кварталдан бошлаб етказиб берилади);

● ETHERNET йўсинидаги яхлит тармоқни яратишга мўлжалланган СМ4608 яхлит тармоқ адаптери — (1991 йилнинг I кварталидан бошлаб етказиб берилади).

Алоҳида шартномалар бўйича қуйидаги қўшимча дастурий воситалар ҳам етказиб берилиши мумкин:

● МОС РВМ амаллар системаси муҳитидаги ФОРТРАН-77, Бейсик (интерпретатор ва комбилятор), Паскаль, Қоболь-81 дастурлаштириш системалари;

● СМ 1425. 4511 интерфейсларни мувофиқлаштириш қурилмаси орқали ВК СМ1425 га уланадиган СМ1420, 5410, СМ5455, СМ 5407, СМ5631 ва бошқа турдаги СМ1420 учун мўлжалланган қурилмаларнинг дастурий таянчи;

● ТЕК-14 матний йўсинидаги амаллар системаси;

● РАФОС (RT 11) йўсинидаги амаллар системаси;

● ДИАМС-1425 (ИН1Х) амаллар системаси;
● магистрал тузилишдаги бир хил бўлмаган тақсимланган тармоқлар ва яхлит тармоқларни қуриш учун дастурий воситалар (ETHERNET);

● халқасимон «Орбита» йўсинидаги яхлит тармоқларни қуриш учун дастурий воситалар.

Воронеж махсус-конструкторлик-технология бюроси, «Системпрограмм», Москва «Электронмаш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тверь «Центропрограммсистем» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа ташкилотлар алоҳида шартномаларга мувофиқ СМ 1425 учун негизий ва амалий дастурий воситалар бўйича илмий-техникавий хизматларни кўрсатиши, ҳамда уларни етказиб бериш, кузатиб бориш ишларини амалга оширадилар.

МАНЗИЛИМИЗ: 252180, Киев шаҳри, Большая Окружная кўчаси, 4-уй. «Электронмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси.
ТЕЛЕФОНЛАР:
маркетинг бўлими: 475-43-00, 475-98-18,
махсус конструкторлик бўлими: 474-12-53, 475-93-82. сотиш бўлими: 475-94-24, 474-12-37.
Телетайп: 131062, «КОСМОС». ОНТИ: 475-92-20. Телефакс: 474--12-82.

Халқ таълимини компьютерлаштириш талабларига тўлиқ жавоб берадиган

МАКТАБ КОМПЬЮТЕР СИНФЛАРИ

«КИЕВ «ЭЛЕКТРОНМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ МАКТАБЛАР, ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ, ТЕХНИКУМЛАР, ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА БОШҚА ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИДАГИ ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ УЧУН «ПОИСК» (УИК «ПОИСК») ЎҚУВ-ЎЙИН КОМПЛЕКСИНИ ТАВСИЯ ҚИЛАДИ.

● **«ПОИСК» ўқув-ўйин комплекси** — муҳандислар, муаллимлар ва шифокорларнинг мактаб компьютер синфларига қўйиладиган барча талаблар ҳисобга олинган қўшма ишланмасидир.

● **«ПОИСК» ўқув-ўйин комплекси** — I ВМ РС компьютерлари билан дастурий мувофиқлик бўлиб, бу ҳол СССР халқ таълимини компьютерлаштириш ғояларига мос келади ва дастурий таъминотнинг мавжуд улкан ишланмаларини амалга ошириш доирасида олинадиган ишланмалардан фойдаланиш имконини беради.



● **«ПОИСК» ўқув-ўйин комплекси** — санитария-гигиена талабларига мувофиқ равишда махсус ишлаб чиқилган ва истеъмолчиларга таркибида боланинг бўйига мос қилиб ростланадиган столлар комплекси таркибида ва комплекслардан фойдаланиш бўйича шифокорлар ишлаб чиққан тавсияномаларга мувофиқ ҳолда жойлаштирилиши туфайли болалар саломатлиги учун хавфсизлик демакдир.

● **«ПОИСК» ўқув-ўйин комплекси** — бутун Совет Иттифоқи ҳудудида ишга туширишга шай ҳолатда («калит остида») етказиб бериш ва юксак сифатли сервисдир.

● **«ПОИСК» комплекси** ўқитувчининг иш ўрни (РМП) ва 8 тадан 15 тагача бўлган ўқувчиларнинг иш ўрни (РМУ) бўлиб, булар алмашув тезлиги 64.300 ва 800. к. бит/с катталикдаги яхлит ҳисоблаш тармоғи билан бирлаштирилгандир.

РМП ва РМУнинг техникавий белгилари

Тавсифноманинг номи	РМП	РМУ
Микропроцессорнинг тури	К1810 ВМ88	К1810 ВМ88
ҳаракат тезлиги, бир секундда бажарадиган амаллари	1,25 млн.	1,25 млн.
Ишлов бериладиган маълумотларнинг даражалигига	8,16 бит	8,16 бит
ОЗУ сиғими	340 к/байт	340 к/байт
Эгилувчан магнит ликопчалардаги ташқи хотира сиғими	2×IM байт	—
Монитор	рангли, 320×200 нуқтагача рухсати бор	рангли, 320×200 нуқтагача рухсати бор
Чоп этиш қурилмаси	матрица йўли билан чоп этиш тезлиги секундига 100 сим. гача	
Стол	баландлиги ростланадиган	баландлиги ростланадиган

УИК «ПОИСК»

Буюртмачининг хоҳишига кўра ОЗУ сиғими 600 к/байт ва ташқи хотираси «Винчестер» (20—40 мбайт) бўлган РМП ва монохром мониторли РМУни етказиб берилиши мумкин.

Системали дастурий таъминоти: МС ДОС йўсинидаги амалларни бажариш системаси, БЕЙСИК, ПАСКАЛЬ ва ҳоказоларни дастурлаштириш тиллари.

Амалий дастурий таъминот: ахборот курси, математика, физика ва бошқа фанлар бўйича бўлимлар.

1991 ЙИЛ 1 ЯНВАРИДАГИ ҲОЛАТ БЎЙИЧА

РМПнинг баҳоси — 11400 сўм; РМУнинг баҳоси — 6440 сўм;
(монитор МС6106,02).

яхлит тармоқ адаптери — 116 сўм.

Компьютер синфини етказиб бериш юзасидан шартнома тузмоқчи бўлсангиз, зарур ишчи ўринлари миқдори ва тўлов маълумотлари кўрсатилган кафолат мактубини бизнинг манзилимизга юборишингиз мумкин.

ТАЛАБНОМАЛАР ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА ЖЎНАТИЛСИН: 252180, Киев шаҳри, 180-алоқа бўлими, Б. Окружная кўчаси, 4-уй, «Электронмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси. Маълумотлар олиш учун телефон: 474-13-38, 475-43-00.

В. И. ЛЕНИН ТАВАЛЛУДИНИНГ 121 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН.

В. И. ЛЕНИН ВА БОЛЬШЕВИСТИК МАТБУОТ

ТАҚРИЗ УРНИДАГИ МУЛОҲАЗАЛАР

Ишчилар вакиллари унинг олдига келиб арз қилишди.

— Фабрика тўхтаб қолмоқда. Контра хўжайин атайлаб шунақа қилаяпти.

— Хўш, сизлар нима таклиф қиласизлар? — деди у.

— Фабрикани дарҳол мусодара қилиш керак, Владимир Ильич.

— Марҳамат, мана тайёр декрет бланкалари. Истасангиз, ҳозироқ имзо чекаман.

Ишчилар хурсанд ҳолда бош иргашди.

— Бу қийин иш эмас, ўртоқлар. Бир лаҳзада ҳал қилиш мумкин. Аммо сизларга баъзи саволларим бор.

— Марҳамат, Владимир Ильич. Бемалол сўрайверинг.

— Ишлаб чиқаришни ўзларингиз қўлга олишни уддалайсизми?

— Албатта, албатта!

— Яхши. Энди айтинг-чи, қанча маҳсулотлар ишлаб чиқарасиз? Хом ашё, ускуналарни қаердан оласизлар? Бошқа корхоналар ва халқаро бозор билан фабрикангиз алоқаси қандай?

— Буни билмаймиз, Владимир Ильич. Буёғини ўйламабмиз.

— Капиталист эса билади, ўртоқлар. Унга қандоқ иш юритиш ва нима қилиш лозимлигини ўргатишнинг ҳожати йўқ. Хўш, яна бир савол. Савдо қилишни биласизларми?

— Буни бизга ўргатишмаган. Бу ҳақида большевиклар китобларида ҳеч нарса ёзилмаган.

— Баракалла. Бу ҳақда меньшевиклар ва эсерлар китобларида ҳам ёзишмаган.

Шундай дея ишчи вакиллар ўйланиб қолишди.

— Биз, ўртоқлар,— деди Ленин ишчиларга, — хўжалик юритишни капиталистлардан ҳам зўрроқ уддалашимиз лозим. Савдо-сотиқни ўрганишимиз, бир тийин халқ пулини қандай қилиб икки тийинга кўпайтириш ҳақида бош қотиришимиз даркор.

Вакиллар Ленин қабулидан кўп нарсани билиб олишди. Ўзларини ўйлантирган муаммоларни ҳам айтишди.

— Социализм қандай бўлади?— сўради ишчилардан бири.

— Биз, — деди Ленин қатъий оҳангда, — социализмга таъриф бера олмаймиз. У қачон тайёр шаклга эга бўлишини ҳам айта олмаймиз.

— Етук социализм қандоқ бўлади ўзи?— деди вакиллардан бири ҳайрон бўлиб.

— Биз буни билмаймиз, ўртоқ. Чунки социализмни тасвирлаш учун материаллар йўқ, ҳозир. Социализм қад кўтарадиган ғиштлар ҳали қуйилмаган.

— Владимир Ильич, қачон социализмга эришамиз?

— Социализмга бориш учун яна қанча босқичлар борлигини биз билмаймиз, ўртоқлар. Билишга қодир ҳам эмасмиз. Аммо шуни дадил айтаманки, бу йўл узоқ ва машаққатли...

1918 йил баҳорида айтилган бу фикрларга нима дейсиз?

Ишчилар вакиллари билан Ленин суҳбати ҳақида батафсил маълумотлар Тўла асарлар тўпламининг 36, 37-жилдларидан жой олган.

Бу воқеани келтиришдан мақсад шуки, биз ҳанузгача Октябрь инқилоби ижодкорининг назарий меросини тўла-тўкис, мағзига етиб ўрганмаганимизни кўрсатишдир. Ушбу фикр педагог ва олима Назира Абдуазизованинг яқинда «Ўзбекистон» нашриёти чоп этган рисоласини (Н. Абдуазизова. В. И. Ленин ва большевистик матбуот. Тошкент, 1990 йил) ўқиганимда яна бир бор хаёлимга келиб, менда айрим мулоҳазалар уйғотди. Бу рисола Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика куллиёти ўқитувчисининг узоқ йиллар давомида матбуот тарихи бўйича тадқиқотлари самараси бўлиб унда Лениннинг 1883 йилдан 1917 йилгача даврдаги журналистик фаолияти ўзига хос усулда ёритилган. Уни ўқиш борасида китобхонда Лениннинг ўз даврининг зукко солномачиси, ижтимоий-сиёсий воқеаларнинг теран ҷарҳловчиси бўлгани ҳақида кенг тасаввур ҳосил бўлади.

Шу кунгача биз Ленин асарларига расмий манба сифатида бир ёқлама ёндошиб келганимиз сир эмас. Унинг рисолалари, мақолалари ва хатларидан керакли жумлалар олиб, бутун матн мазмунига эътибор қилмаганмиз. Аслида Ленин асарларини бутунича давр воқеалари, унинг руҳи, шарт-шароитлари билан боғлаб тўла ўқишни унутганмиз. Умуман, Ленинни Ҳазрат Навоий, Бобур, Машраб, Шекспир, Гёте, Дюма, Пушкин ва бошқа машҳур ёзувчи, шоирлар асарлари каби астойдил берилиб ўқиганмизми?

В. И. Ленин таваллудининг 121 йиллиги муносабати билан Ленинграддаги пролетариат доҳийси музейида инқилоб бешиги ҳисобланмиш Нева дарёси бўйидаги бу шаҳарда у кўрсатган революцион фаолият билан боғлиқ янги ҳужжат ва материаллар намойиш этила бошланди.

СУРАТДА: музей залларида.

С. СМОЛЬСКИЙ сурати. (ТАСС).

Ленин ўз вақтида Лев Толстойни рус инқилобининг кўзгусига ўхшатган эди. Бизнингча бу таъриф Владимир Ильичнинг ўзига кўпроқ тааллуқлидир. Унинг Тўла асарлар тўплами уч рус инқилоби, унинг зафарлари ва фожиасининг ёрқин кўзгусидир. Ана шу жиҳатидан ҳам Ленин асарлари ҳозирги кундаги мураккаб аҳволимизни тушуниш, хатоларимиз боисини англаш ва тегишли хулоса чиқаришда бебаҳо манбадир. Зотан Лениннинг ўзи ҳам адашган, хатолар қилган, лекин вақтида уларни англаб тан олган. Одамларга аччиқ ҳақиқатни айтишга ўзида куч топган. 600 йил муқаддам Амир Темур «Куч — адолатда» шиорини кўтариб, хароб ўлкани гуллаб-яшнаган диёрга айлантирган бўлса, Ленин «Куч — ҳақиқатда» қабилида иш тутиб ва ўзи тузган партияни ҳақиқатни халққа айтишдан қўрқмасликка ундаган.

Рисола муаллифи кўрсатиб ўтишича, Ленин матбуотда фикрлар хилма-хиллигига тарафдор бўлган. У 1912 йилда «Невская Звезда» муҳарририятига йўллаган мактубида рўзнома фаолиятини танқид қилиб: «Звезда» ва «Правда» рўзномалари муҳим масалаларни четлаб ўтаётгани, ўзларини бир оҳангда қуруқ гап сотадиган, мароқсиз ва ножанговар орган қилиб қўйганларини таъкидлаб ғояни илгари суради: «Социалистик орган мунозара қилиши лозим, бизнинг замонамиз — ғоят даражада парокандалик замонидир, бундай вақтда мунозарасиз иш кўриб бўлмайди» («Правда» 1912, 22 апрель).

Кенгашилган тўй тарқамас. Ленин худди шу зайлда иш кўрар ва сафдошларини ҳам худди шунга чақирар эди. 1921 йилда у инқилобий қайта қуришни бошлаган партия X съездида делегатларнинг саволларига жавоб бериб кооперацияга ўтиш йили охирида нима бўлишини ўзи ҳам билмаслигини айтади. Янги иқтисодий сиёсат берадиган натижа қандай бўлишини ҳеч ким билмаслиги ва умуман билиши мумкин эмаслигини очиқдан-очиқ тан олади. Делегатларни эса башоратли огоҳлантиради: «...ҳеч нарсани бузманг, шошма-шошарлик қилманг, дангалига донолик қила кўрманг... Бирини синанг, иккинчисини синанг, амалда ўрганинг, тажрибада кўринг, кейин бизлар билан ўртоқлашинг ва бизга қандай натижага эришганингизни кўрсатинг, биз эса тўпланган тажрибани ўрганиш учун махсус комиссия ёки бир неча комиссия тузамиз». Ленин шундай дея қайта қуришни бошловчиларга «Савдо қилишни ўрганинг» деб мурожаат қилган эди.

Қайта қуришнинг учинчи йилида — 1923 йилда СССР халқни нонга тўлдирибгина қолмай 130 миллион пуд ғаллани чет элга сотди 4 йил ичида миллий даромад гражданлар уруши давридагидан 3 баробар ошди. 1922—1924 йиллардаги пулислоҳоти натижасида Ленин чиқарган олтин червон жаҳон бозорида энг зўр валютага айланди. Маҳсулот ишлаб чиқариш 1924—1925 йилда 1923—1924 йилларга нисбатан 57 фоизга, меҳнат унумдорлиги эса 40 фоизга ошди. Янги иқтисодий сиёсатни бошлаган Ленин халққа ортиқча фаровонликни ваъда қилмаган ҳолда улкан самараларга эришилди.

Ленин ўз фикрларини ҳеч қачон мутлақ ҳақиқат дея даъво қилмаган. У Марксга ҳам шундай ёндошган. «Биз,— деб ёзган эди у,— Маркс назариясига асло қандайдир тугалланган ва қўл теккизиб бўлмайдиган назария деб қарамаймиз, аксинча, биз бу назария, агар социалистлар турмушдан орқада қолишни истамасалар, ҳар томонлама ривожлантиришлари лозим бўлган фаннинг асосий негизларинигина яратиб берган, деб биламиз» (Тўла асарлар тўплами, 4-жилд, 214-бет). Бу билан Ленин ўз фикрлари ва меросига ҳам шундай ёндошишни истаган.

Ҳозирги кунда Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларда Ленин шахсига хуруж қилаётган, унинг ҳайкалларини қўпораётганлар аслида жаҳон пролетариати йўлбошчисининг асл сиймоси ва меросини билмайдиган гумроҳлардир.

Мен шу хусусда коммунист ва тарихчи олим сифатида ўз мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. 1918 йилда Ленин ўзининг «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» асарида коммунистлар олдига қўйган вазифаларни бажардикми? Эслатиб ўтаман. Савдо қилишни ўрганиш ва бир тийинни икки тийинга кўпайтириш. Хўжалик юритишда капиталистдан устун бўлиш.

Ленин ўзининг сиёсий васиятида кўз ўнгида содир бўлаётган воқеаларни яъни партия, совет аппаратида вужудга келган тўрачилик, халқдан ажралиш, маъмуриятчилик ҳолларини кўриб, ҳис қилиб, келажакдан хавотирга тушиб «бўлғуси съезд сиёсий тузумимизни ўзгартиради» дея умид қилган эди. Худди шу васиятида Ильич ишчилар саволларига жавоб тариқасида умрининг поёни етган маҳалда жавоб беришни лозим топди.

— Социализм — бу маданий кооператорлар тузумидир.

Бугунги сершиддат замонамизда, барча санамлар топталаётган, ақлий маънавий ва руҳий қадриятлар шафқатсиз синовдан ўтаётган кунларда биз ўзимизга шундай савол беришимиз лозим. Ленин қай тариқа партия, совет арбоби, журналистдан муқаддас санамга айланди? Бунга ким айбдор?

Ленин зиддиятлар оламида яшади. У бир вақтда «Йўқолсин, партиясиз адиблар!» дея синфийликни биринчи ўринга чиқарган ҳолда «Коммунистлар инсоният тўплаган бойликларни ўзлаштиришлари даркор» деган умумбашарий ғояни илгари сурди.

Эндиликда Ленин ҳақида кам гапирилиб, кўп ёмон сўзлар ёзилмоқда. Аввалги маддоҳлар энди муросасиз танқидчиларга айланмоқда. Ана шундай маҳалда Н. Абдуазизованинг чоп этилган рисоласи «Ўзбекистон» нашриёти ходимларининг яхши ташаббусидир. Мен шахсан шундай фикрдаман.

Ҳамдам СОДИҚОВ,
Тарих фанлари номзоди.

Ҳамма—жумҳурият ҳашарига!

ҚУРУВЧИЛАР АҲДИ

4-ҚУРИЛИШ тресты жамоаси умумхалқ ҳашари ўтказиш ҳақидаги ташаббусни қўллаб-қувватлаб, шу кун энг самарали иш куни бўлади, деб эълон қилдилар. Трестнинг асосий ишчи кучлари қурилиш майдонларида бўлишади. Жарариқ даҳасидаги уй-жой қурилиш участкаларида, Пушкин кўчасидаги, Тошкент политехника олий билимгоҳининг янги қурилаётган биноларида ва бошқа жойларда ҳашар куни кунлик режалар ортиғи билан адо этилади. Ишчи ва хизматчиларнинг бир қисми эса қурилиш майдонларини тозалаш ишларини олиб боришади.

— Ўтган йилги ҳашардан тушган маблағни биз касаба уюшмаси орқали турли хил тадбирларни ўтказиш учун сарфлагандик,— деди биз билан суҳбатда ҳашарни ўтказиш штаби аъзоси Н. И. Ковальская,— бу йил моҳир ғишт терувчилар, уста дурадгорлар танловини ўтказишни мўлжаллаяпмиз.

Умумхалқ ҳашарида трестнинг 1600 нафар ишчи-хизматчиси иштирок этади.

С. ШАМСИДДИНОВ,

ГУМОН БЎЛИБ ТУРИБДИ

УМУМХАЛҚ ҳашарига тайёргарлик ҳақидаги хабарларимизда ишлаб чиқаришнинг барча тармоқлари ишчи-хизматчиларининг уни ҳар ким ўз дастгоҳи ёнида ўтказиши, шу куни тушадиган маблағни ўз ижтимоий эҳтиёжларига, ёрдам жамғармаларига ва бошқа мақсадларга сарфлашга аҳд қилаётганликлари тўғрисида сўз юритилмоқда. Лекин айрим завод ёки фабрика ишчилари олдида шанбаликни қай йўсинда амалга оширишнинг ўзи муаммо бўлиб турибди. Бунга асосий тўсиқ эса битта, у ҳам бўлса хом ашё масаласи.

Ангрен тикувчилик фабрикасига Россиядан хом ашё—газлама келиши апрель ойида анча камайди. Бу нарх-навонинг ўзгариб туриши, алоқа хизматидаги камчиликлар ва... йўлдаги юкли вагонларнинг талон-тарож қилиниши оқибатидир.

Тўғри, фабрика Андижондан ҳам газлама олади. Лекин жуда оз миқдорда. Захира хом ашёлари йўқ. Келтирилгани ўша заҳотиёқ цехларга тарқатилади. Айни кунларда асосий цех тикувчилари бекор қолишларига ҳам тўғри келди. Сабаби, юқорида айтилганидек, йўлдаги контейнердан хом ашё ўғирланган. Кўплаб тикув машиналарида чиқит газламадан ҳажми кичик маҳсулотлар тайёрланмоқда. Хуллас, фабрика жамоасининг бу кун ишлаши, яъни умумхалқ ҳашарини меҳнатда ўтказиши гумон бўлиб турибди.

Р. ШОЖАЛИЛОВ.

● *Шу кун мавзусида*

Пештахталар тўлиқлиги кимга боғлиқ?

2 апрель келганига мана икки ҳафтадан ошди. Нарх-наво, кутилганидек «осмонга» чиқиб кетди. Бироқ бу сафар аҳоли шошиб қолгани йўқ. Биринчидан ҳукумат бу қарорини анча олдин эълон қилди, иккинчидан эса кўпчиликда нарх-наво ошса, дўконларда мол кўпаяди деган тушунча бор эди. (Ҳар ҳолда қўлингда бир даста пул билан ҳеч нарса ололмагандан кўра, расталарда тахланиб ётган моллардан энг мақбулини танлаб олиш яхшироқда). Бироқ мўъжиза юз бермади, пештахталарда моллар қўзиқориндек ўсиб чиқмади.

Хўш нега бундай бўлди! Омборларда моллар йўқмиди ёки борлари ҳам чиқарилмай «яхши-ёмон кунларга» асраб қўйилибдими! Мухбиримиз ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида бир қанча жойларда бўлди.

Тошкент районидаги Охунбобоев номли колхоз идораси ёнидаги 10-дўконда талон билан бериладиган моллар кўринмайди. Дўкондан фойдаланиши лозим бўлган Ленин маҳалла аҳолиси номидан сотувчи Ш. Расуловага савол бераман:

— Кечирасиз, Шоҳида опа, рўйхатдаги моллар савдода кўринмайди ..

— Билмадим, негадир ҳали сариёғ, тухум беришмади. Магазин мудиримиз ҳозир шу масала бўйича юрибди.

Суҳбатимизни эшитиб турган Музаффар Тожихонов, нуроний отахон Йўлдошхўжа Холхўжаев, ёш оналардан Муяссар Қаюмова ва бошқалар менга савол бера бошлашди.

— Ўйлаб кўринг-а болам, ўсимлик ёғи киши бошига 1 ойга 500 грамм берилса, оилада 3 киши яшаяпмиз. Бир кунга 16 грамм тўғри келар экан, 48—50 грамм билан қозонда ёғни доғ қилиб бўлар эканми?

Орадан «Сигарет, арақ қачон сотилади?» деган саволлар беришди. Бу саволлар менга ҳам, сотувчига ҳам тегишли эмас эди. Шунинг учун мутасаддиларга учрашга қарор қилдим. Жавоб топиш учун Тошкент район Охунбобоев қишлоқ матлубот жамияти бошқаруви раиси Насиба Султонмуротовага мурожаат қилишга тўғри келди.

— Тошкент вилоят ижроия комитетининг 41/6 қарорида кўрсатилган аҳолига белгиланиб бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари дўконларингизда нима учун кўринмайди?

— Сариёғ билан тухумни назарда тутяпсизми? Олдин Давлат таъминот омбори орқали фақатгина боғча, мактаб, касалхона, қариялар уйига берилиб, савдога қисман чиқарилларди. Яқинда вилоят матлубот жамияти район аҳолисига талон орқали сотиш учун қўшимча фонд ажратди. Тез орада изга тушиб олсак керак.

— Асосий муаммони нимада деб биласиз?

— Ҳукумат бу қарорга келишдан олдин ҳаммасини ҳисоблаб чиққан. Бироқ майда-чуйда эътиборсизликлар катта муаммоларга сабаб бўлаяпти. Мана бир мисол.

Янгийўл ёғ-мой комбинатига совун олиб келтириш учун 2 та юк ташувчи машина юборган эдик. Машина бўш келди. Совун ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган хом ашёлардан бири йўқ эмиш. Бунақада норма билан бериб бўладими? Халқ эса буни билмайди, эшитишни ҳам хоҳламайди. Омборлардан озиқ-овқат моллари келиб турибди, лекин халқимизнинг тўйи бор, маросими бор. Биргина Шамшиобод маҳалласида бу ой 13 та тўй бор. Бунақа маҳаллалардан қанча? Агар тақсимот бўйича берадиган бўлсак, тўйлар нима бўлади? Ҳаммаси ҳисоб-китобли бўлса. Ҳозир қишлоқ Советларида, маҳаллалар ўртасида шунга ўхшаш саволлар кўриб чиқилмоқда.

— Насиба опа, бирорта мол келса одамлар ҳамма ишини ташлаб дўконга келиши табиий ҳол. Шундай пайтда сотувчиларингиз қийналаётгани йўқми?

— Ўзимиз ҳаммасини назорат қилишга улгура олмаётибмиз. Бу ишда маҳалла раислари, қишлоқ Совети депутатлари турар жойлардаги савдо тармоқларига ёрдамга келишди. Бирорта мол уларсиз сотилаётгани йўқ. Яна улар халқ ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Бу эса ишимизга анча енгиллик яратмоқда.

Яна 2-, 20-озиқ-овқат дўконларида бўлдик. Ажаб, 2-дўконда чой, консервадан бошқа пештахтада ҳеч нарса йўқ. Сотувчи Абдуғаффор Раҳимов бекор ўтирибди. 20-дўконда эса тақсимланган моллардан ташқари мармаладу, шоколадлар, мева-конфетларнинг 8 тури, мева шарбатлари, ичимликлар савдо пештахталарида сероб, Ҳайрулла Абдуллаев харидорларга чаққон хизмат қилмоқда. 2-дўкон атрофида «Октябрь самараси», Заҳариқ маҳалла аҳолиси кўзидан сотувчиларга нисбатан норозилигини кўрган бўлсак, бу ердаги одамлар эса савдо аҳлидан хурсанд.

— Қишлоқ матлубот жамиятига қарашли 10 та озиқ-овқат дўкони бор. Дўконларнинг барчаси ижара пудратига ўтган. Улардан иккитаси катта оборот берганидан ўзларининг экспедиторлари бор. Биз халқимизга бир хил тақсимот қилганмиз. Магазинда озиқ-овқат маҳсулотларининг бўлиши кўп жиҳатдан мудирларга ҳам боғлиқ. Агар мудир ҳаракатчан, муомалали бўлса, доимо «қайноқ» жойларда халқим деб куйиб-пишса, унда ҳамма нарса бисёр бўлади,— дейди юқоридаги ҳолни изоҳлаб Н. Султонмуротова.

Охунбобоев қишлоғи билан хайрлашар эканман, йўлда Маҳмуджон ака Абдураимов билан учрашиб қолдим.

— «Минвода» маршрути бўйича автобус ҳайдовчисиман,— деди Маҳмуджон ака.— Аввал «Тошкент — Минвода» йўловчиларини 42 тийинга олиб борсак, ҳозир кира ҳақи 84 тийин бўлган. Бу йўловчиларни чақиб олади-ку. Камбағалга жуда жабр бўлди-да...

Ҳайдовчига бош ирғаб қўя қолдим. Лекин у киши кимни камбағал деб назарда тутаётганини тушунмадим. Ўрмонга ўт кетса ҳўлу-қуруқ баб-баравар ёнади дейишади. Мамлакатнинг ўзи камбағал бўлгандан кейин унинг бойи қандай бўларди. Яна нима эксанг шуни ўрасан ҳам дейишади. Бу ўн йиллар давомида қилган хўжасизлигимиз оқибатидан бўлса керак. Бундай фикрга келишимга мен кетаётган автобусдан Чорсуда тушиб қолган отахоннинг гаплари сабаб бўлди:

— Тўқликка шўхлик қилиш керак эмас эди. Нонни ахлатга ташлаган кунларимиз ҳам бўлган. Мана оқибати. Барибир худога шукр қилиш керак. Ҳукуматга ҳам. Ҳар ҳолда яхши бўлсин деяпти...

Даврон АҲМАД.

Суратларда: Охунбобоев қишлоқ матлубот жамиятига қарашли дўконлардаги турли манзаралар.

Суратлар муаллифники.



● *Луқма*

ХЎРОЗ ҲАР ХИЛ ҚИЧҚИРАДИ?

ХАЛҚИМИЗДА: **«Хўроз ҳамма жойда бир хил қичқиради»,** — деган мақол бор. Халқ — доно! Билиб гапиради. Аммо савдодаги баъзи учарлар бу мақолни ҳам ўзгартириб юборишибди.

Келинг, очиқчасига гаплашайлик. Ҳозир ҳамма ёқда «талон»бозлик. Ҳукуматимиз киши бошига ҳар ойда бир ярим килодан гўшт ва гўшт маҳсулотлари белгилаган. Лекин дўконларда 900 граммдан берилмоқда. Балки камига «тушёнка» қўшиб беришаётир? деб айтарсиз. Бе, қаёқда, «тушёнка» олсангиз гўшт йўқ, гўшт олсангиз, «тушёнка» йўқ!

Ишонмасангиз, Фрунзе районидаги 17-сонли дўконга бориб кўринг!

Бу масалада сим орқали Фрунзе райижроқўмининг нарх-наво бўйича катта инспектори Саидиброҳимовга мурожаат қилдим. У кишининг жавоби:

— Гўшт ва гўшт маҳсулотлари биргаликда 1,5 кг белгиланган. Шундан бир килоси гўшт. Агар «тушёнка» олганларга гўшт берилмаётган бўлса, бу — қоидани бузишдир!..

Шунингдек, шаҳримизнинг деярли барча дўконларида тухум сотилди. Аммо юқорида номи зикр этилган дўконда эса тухум йўқ. (Балки кимлардир олгандир. Аммо ҳайит арафасида Глазунов кўчасида яшовчилар тухумни бозордан сотиб олишди). С. Раҳимов районидаги дўконларда ҳинд чойи, Киров районида эса «36-сонли аралаш чой» савдога чиқди. Фрунзе районида, хусусан 17-сонли дўконда райҳон аралашган чой сотувга қўйилди, холос.

Энг қизиғи, Глазунов ва академик Ғуломов кўчаларидаги қарийб 30 тадан хонадон ўзларига яқин бўлган 36-сонли дўконга эмас, 17-сонли дўконга бириктирилганлар. Ваҳоланки, аҳоли камида 1,5—2 километр йўл босиб, нарса бўлса олиб, бўлмаса қуруқ қайтиб келмоқда. Бу ҳақда мен Фрунзе озиқ-овқат савдо ташкилоти раҳбари Ғ. Ҳ. Мансуров билан гаплашганимда, у киши: **«Одамларни қайси дўконга аъзо қилиш маҳалла қўмитаси раисининг иши, биз фақат маҳсулот билан таъминлаймиз»,** — деб жавоб қилди.

Балки Ғ. Мансуров ҳақдир. Аммо таъминот масаласи ҳам қониқарсиз-ку!

Умуман, одамлар қачонгача сарсон бўлиб, керакли маҳсулотларни ололмай юрадилар. Ҳукумат раҳбарлари апрель ойида бундай муаммо бўлиши асло мумкин эмас, деб таъкидлашди. Бироқ савдо дўконларида эса «йўқ-йўқ»дан нарига ўтишмаётир.

Сўнгги эътироз — тамаки маҳсулотлари ҳақида. Қўлимизга берилган «талон»да бу нарса ўз аксини топмаган. Хўш, сигарет қаерда, ким орқали ва қачон, қандай тартибда сотувга чиқиши керак? Бу саволга шаҳар савдоси бошқармасидан аниқ жавоб беришармикан?

Ҳозир «олибсотар»ларда бир пачка сигарет («Голубие купала») 5 сўм. Сотувда йўқ нарса, уларнинг қўлига қаёқдан келиб тушмоқда? Бу масалани ойдинлаштиришда шаҳар ички ишлар бошқармаси ходимлари кўмаклашадилар, деб умид қиламиз.

Дилмурод САИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ УЧУН !

ТАБИАТ ва ИНСОН

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ НАШРИ

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

ҚЎЛИНГИЗДАГИ ушбу «Табиат ва инсон» қўшсаҳифаси — ҳаёт талаби асосида юзага келди. У давр билан ҳамнафас қадам ташлашга қодир ўз касбининг жонкуярлари бўлмиш қалам аҳлини ўзига тортди. Ёзувчилар, матбуот ходимлари бу йўлда биз билан якдилликларини изҳор этмоқдалар. Демак, энди эзгу ишларимиз, она табиатни ардоқлаш, унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш йўлидаги истиқболли курашимиз бесамар бўлмағай, албатта.

Зеро «ТАБИАТ ва ИНСОН»нинг асл мақсади ҳам шу!

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ташкил этилиб, мустақил иш бошлаганига ҳам мана икки йилдан ошди. Ўтган шу қисқа давр мобайнида биз вилоятимизда она-табиатга эътибор, экологик ҳолатни муайян даражада ўрганишга эришдик. Ҳавомиз, сувимиз, замину ер ниҳоятда аянчли аҳволда. Саноат корхоналаримиз чиқараётган чиқиндилар уларни ифлослантиряпти. Бу — ўз-ўзидан инсонлар саломатлигига путур етказмоқда, турли хил касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлаяпти.

Сирдарё, Чирчиқ, Бўзсув, Оҳангарон дарёларининг тиниқ, зилол сувлари қани?! Эндиликда бу сувлардан ичиш нарироқда турсин, чўмилиш ҳам мумкин эмас. Чунки уларнинг таркибида турли заҳарли кимёвий моддалар шунчалик кўпки, инсонга зарар етказиши мумкин.

Қўриқ деган қандай бир бало тушунча пайдо бўлди-ю, одамларнинг ҳаловати йўқолди: ихотазорлар, турли бутазорлар, яйловларга кучли техникалар аёвсизларча киритилиб, пайхон қилинди. Ҳатто тоғ ён бағирлари ҳам «ўзлаштирилди», ерга-ер қўшилди... Ўрмонлар ҳувиллаб қолди, табиат яратган ҳайвонот ва наботот дунёсига тиклаб бўлмас путур етказилди.

Оқибат: кўкаламзорлар ўрнида чала-ярим ҳайдалган шип-шийдон шудгорлар қолди. Озиқ-овқат маҳсулоти кўпайиши ўрнига дастурхонимиздан қут-барака учди!.. Қимматчилик, тақчиллик юзага келди.

Бу — ҳақиқат. Ҳа, бугунги кунда ҳаммамиз англаган ҳақиқат. Кимларгадир эриш туюлаётган ҳақиқат.

Бас, энди. Ўтмишга хулоса ясаб, келажак авлодлар олдида масъуллигимизни унутмайлик. Биздан уларга тутунлар солган кўланкалар эмас — гулшан-боғлар, мусаффо табиат қолсин.

Ҳар ойда икки марта чиқадиган «Табиат ва инсон» Сизга кўмакдош бўлади. Она табиатни асрашда заррача ҳиссамиз қўшилса, бахтли деб биламиз ўзимизни.

«Соф ҳаво, тиниқ сув, тоза тупроқ учун!» деган шиорни кўтардик. Ушбу йўлда Сиз, азиз муштарийлар, бизга маслакдош, кўмакдош бўлинг, деймиз.

«ТАБИАТ ВА ИНСОН» ҲАФТАНОМАСИ ТАҲРИРИЯТИ.

● БУ суратлар Тошкент ноҳиясидаги Оймомобоғ (Дендропарк)да олинган. Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти раҳбарлигининг ўзбошимчалиги билан кесилган бу терак ва қайрағочларни кўрганда юрагингиз ачишади. Улар боғнинг кўрки эди. Муассаса раҳбарларининг бу қилмиши уларга қимматга тушди. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг талаби билан институт раҳбарлигига қарийб 20 минг сўм жарима солинди. Институт директорининг ўринбосари В. Абаков 340 сўм, бош агрономи Л. Тўхталиев 230 сўм жарима тўлашга мажбур бўлдилар.

Суратказ А. УСМОНОВ.

НОВЕЛЛА

КИЙИК БУЛОҚ

КЎРКАМ табиат. Ҳаммаёқ кўм-кўк. Буталарга туташ дов-дарахтлар. Сокин ўрмон. Мажнунтоллар, жийдалар шоҳида булбуллар, ҳар хил қушлар, жонзодлар бир-бири билан баҳслашгандек, сайрашмоқда, изҳоридил қилишмоқда. Пастда, ям-яшил ўсимликлар бағрида тус товуқлар, паррандалар ғужғон, ўз ташвишларида.

Дуркун дарахтлар орасидан бир она кийик чиқди-да, теварак-атрофни кўздан кечирди. Сўнгра у дарё томон кела бошлади. Унинг изидан бир гуруҳ оҳулар эргашди...

Бирданига қасур-қусур бошланиб, тўрт томондан ўқ ёғилди. Эҳ, бечора жонзодлар, жон талвасасида ҳар томонга уришди ўзларини. Аммо болаларини эргаштириб, йўл бошлаб келаётган она оҳу бу ўқ ёмғиридан қутула олмади. Соҳилга етай-етай деганда, бутун гавдаси билан олдинга томон эгилди-ю, гурс этиб йиқилди. Нақ пешонасидан теккан ўқ уни бемажол қилди...

Чор атрофдан унинг хунрезлари чопиб кела бошладилар. Жон узаётган оҳу устига қузғундек ёпирилдилар. «Мен отдим, «Мен отдим», «Менинг овим» дея оҳунинг бири оёғидан, бири иссиққина қони чак-чак томаётган бошидан ушлаб тортқиладилар. Оҳу сўнгги кучини тўплаб, қонга тўла кўзларини очди, хунрезларига илтижо билан термулди. Ўз айши-ишрати билан маст бўлган овчилар унинг бу илтижосига назар ҳам қилмадилар.

Сўйилган жойда оҳунинг кўзлари очиқлигича қолди. Бағритошлар ишратни суриб кетишгач, тўпландилар жабрдийдалар. Болалари онасининг қонли кўзларин кўриб, атрофида тортдилар фиғон.

Йиллар ўтди... Ўша ерда пайдо бўлмиш бир қайнар булоқ. Бу — сув ичишга соҳилга келаётганда қурбон бўлган ўша она оҳу кўзларидан оққан ёшлардан эмиш. Йўловчилар ўтганда бирдам бунда тўхтайдилар, хунрезларга айтишиб лаънат. Шу-шу Кийик булоқ табаррук бир маскан бўлиб қолди.

Ражаб СОБИРОВ.

ЭКОЛОГИК АҲВОЛ ҲАМОН ТАШВИШЛИ

Т. ЭРГАШЕВ,

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ РАИСИ

ҲАММАМИЗ биламиз: бизни яратган ҳам, эгнимизни бут, қорнимизни тўқ қиладиган ҳам — табиат.

Ҳа, она табиат ҳар нарсага қодир, деймиз. Яратади. Ундиради, ўстиради. Халқ донишмандлари: «Сен табиатга бирни берсанг, у сенга мингни қайтаради», дея бежиз айтмаганлар.

Биз-чи? Шу ўгитга амал қилдикми? Йўқ! Биз ўз сайъи ҳаракатимиз билан, турли даврдаги турли қарашларимиз билан, баъзида эса лоқайдлик билан унга нотўғри муносабатда бўлдик, катта зиён етказдик.

Саноат корхонаси бўлгач, албатта унинг чиқиндилари ҳам бўлади. Бизнинг катта хатоимиз шундаки, ана шу хусусда ўйлаб иш тутмадик. Саноат чиқиндилари она табиатга нечоғлик зиён келтиришини ўйламадик.

Саноат корхоналари ва бошқа манбалар йилига 460 минг тоннадан зиёд турли кимёвий заҳарлари бўлган чиқиндини ҳавога чиқариб юбормоқда, уларнинг таркибида инсон саломатлиги учун энг зарарли бўлган чанг, олтингугурт ва углеводород моддалари мавжуд. Бундан ташқари, автотранспорт воситалари тўлиқ ёниб улгурмаган газ, углеводородлар ва бошқа нефть маҳсулотлари чиқиндилари таркибида бўлган 300 минг тоннадан зиёд тутун билан ҳавони заҳарламоқда.

Ҳавони заҳарлантираётган асосий шаҳарлар Олмалиқ, Чирчиқ, Бекобод, Ангрен, Оҳангарон — вилоятимиз табиатига ниҳоятда катта зарар етказмоқда, уларда саноатимизнинг асосий йирик тармоқлари жойлашган бўлиб, уч сменада — тўхтовсиз дудбўрон орқали инсон саломатлигига зиён етказувчи тутунлар чиқарилмоқда.

Аниқ ҳисобларга қараганда, қатор йиллардан бери узлуксиз чиқиндиларнинг ҳавога тарқалиши натижасида атмосферанинг заҳарланиши нормадагидан 2—5 марта кўпайди. Вилоятдаги инсон саломатлиги учун энг хавфли корхоналардан — Олмалиқ кон-металлургия комбинати (директори Сигедин В. Н.) ва кимё заводи (директори Ибрагимов Г. И.), Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати (директори Пак В. И.), Чирчиқ электр кимё ишлаб чиқариш бирлашмаси (директори Юсупов Ф. П.), Оҳангарон ва Бекобод цемент комбинатлари (директорлари Фёдоров А. П., Фармонов А. К.), Ангрен ва Янги-Ангрен ГРЭСлари (директорлари Бобораҳимов М. Б., Долин Ю. Е.), Ўзбекистон металлургия заводи (директори Анохин А. М.)ларни кўрсатиш мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳавога чиқарилаётган заҳарли чиқитларнинг 40 фоиздан ортиқроғи транспорт корхоналариникидир. Вилоят ҳудудида 290 та йирик автотранспорт хўжаликлари бўлиб, асосий қисми экологик талабларга мутлақо жавоб бермайди.

Вилоят автокорхоналарида ёнган газларнинг таркибидаги углеводородларни ўлчайдиган мосламалар йўқ, улар билан таъминлаш масаласи ҳали тўлалигича ҳал этилмаган. Мавжуд 275 та йирик автохўжалик ихтиёрида газ таркибини таҳлил қилувчи 69 ўлчов бирлигидаги мосламалар бор.

Ўтган 1990 йилда давлат талабларига хилоф иш тутганлиги сабабли 5 та автокорхона фаолияти тўхтатилди. Шунингдек, 406 та автомашинанинг йўлга чиқарилиши таъқиқланиб қўйилди. Шу корхона ва автомашиналарнинг тўхталиши натижасида ҳавога чиқарилаётган заҳарли газлар миқдори 17,5 тоннага камайтирилди. Шу давр мобайнида шаҳар-ноҳия ижроия қўмиталари маъмурий комиссияларига 373 қайднома ва раҳбарларга солинган 6 минг сўмдан зиёд жарима муҳокама қилиш ва амалга ошириш учун тақдим этилди.

Ўтган йил мобайнида давлат автомобиль назорати ходимлари билан икки марта «Тоза ҳаво» кўрик-назорати ойлиги ўтказилди. Ҳамкорликдаги текшириш натижасида вилоятдаги 150 автохўжалик, 15 та техник хизмат кўрсатувчи станция, 4 та автомобиль таъмирлаш заводи кўрикдан ўтказилди. Текширилган 4258 автомобилдан 1075 таси ёки 25 фоизида ёнилғининг тўлиқ куймаслиги аниқланди. Кўрик натижасида 645 та огоҳлантириш хати ёзилди, 70 нафар мансабдор шахс ва 626 ҳайдовчига жарима солинди, жами 7900 сўм жарима ундириб олинди.

Газли мосламалар етишмаслиги натижасида вилоят автохўжаликларида машиналарни бензиндан газга ўтказиш иши ҳам пайсалга солинмоқда. Ёнилғи сифатида суюлтирилган газдан фойдаланиш ҳам иқтисодий, ҳам экологик жиҳатдан қулай бўлар эди. Ҳозирги кунда вилоят автокорхоналарида фақат 1275 та автомашина газ ёнилғиси билан ишлатилмоқда.

Ер усти оқар сувлари манбаини асосан Чирчиқ, Оҳангарон каби кичик дарёлар ва Сирдарёнинг бир қисми ташкил қилади. Ҳар йили халқ хўжалигида 6930 миллион куб метр сув фойдаланилади. Шунинг 4200 миллион куб метри қишлоқ хўжалигида, 2400 миллион куб метри саноатда, 300 миллион куб метр коммунал хизматлар учун сарфланади. Ер усти сувларига ҳозир ўрта ҳисобда йилига 4500 миллион куб метр оқова ташланмоқда. Шунинг 4000 миллион куб метри талаблар даражасида тозаланмаган оқовалардир. 300 миллион куб метри эса ифлослигича, тозаланмасдан, заҳарли моддаларга аралаш ҳолатда сув манбаларига ташланмоқда. Ер усти оқар сувлари таркибига бу катта таъсир кўрсатмоқда.

Ер усти сувларини асосан ифлослантираётган корхоналардан бири Чирчиқдаги электр кимё ишлаб чиқариш бирлашмасидир. Бу бирлашма йилига Чирчиқ дарёси ўзанига 200 миллион куб метр ҳажмда етарли тозаланмаган, инсон саломатлигига зарар етказувчи оқоваларни ташламоқда. Бу вилоят бўйича тозаланмай ташланаётган оқаванинг 70 фоизини ташкил этади. Янгийўл биокимё заводи Салорга тозаланмаган 5 миллион куб метр ҳажмдаги оқовани ташламоқда. Тошкент каноп ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам жиддий ташвиш туғдирмоқда. Бирлашманинг мавжуд 11 та заводи ҳам вилоят ҳудудида жойлашган. Энг ёмони шундаки, бу бирлашма корхоналарида сувни тозалаш иншоотлари йўқ. Натижада йилига 20 миллион куб метр сув тозаланмасдан оқар сув манбаларига қўшилиб кетмоқда. Унинг таркибида заҳарли кимёвий моддалар белгиланганидан 10—30 баравар ортиқдир. Азот бирикмалари эса — 200 баравар кўпдир. Сўнгги пайтларда Тошовул ва Солдатскдаги иккита каноп заводи фаолияти тўхтатиб қўйилди. Вилоятдаги 6 та йирик чорвачилик комплексида ҳатто оқова сувларни тозалаш учун оддийгина усуллардан фойдаланиб ҳам табиатга зарар етказишнинг олдини олиш мумкин эди. Аммо, уларда оқоваларни тозалаш ишига совуққонлик билан қарамоқдалар. Натижада табиатга катта зарар етказмоқдалар.

Вилоятимизда маданий ўғитлар ва кимёвий воситалардан фойдаланишда ҳам катта нуқсонлар содир бўлмоқда. Аввало, уларни хўжаликларга ташиб келтиришда нобудгарчиликка йўл қўйилаётир, шунингдек ўғитлар ва кимёвий дориларни сақлаш ҳам ачинарли аҳволда.

Вилоят ҳудудида 191 та заҳарли кимёвий дориларни сақлаш омборлари бўлиб, улардан фақат 76 тасигина ёки 40 фоизи замонавий усулда барпо этилган. Қолган 115 таси эса мутлақо талабга жавоб бермайди.

Маданий ўғитларни сақлаш ундан ҳам ёмон аҳволда. Шу мақсадларда фойдаланилаётган 442, омборнинг 105 таси, ёки 24 фоизи замонавий, қолганлари эса — оддий бостирмалар ва очиқ жойлардадир.

Масаланинг энг хатарли томони шундаки, ҳозир вилоят хўжаликларида фойдаланиши мутлақо таъқиқланган 300 тоннадан зиёд заҳарли кимёвий дорилар бор. Уларни махсус жойларга кўмиб ташлаш керак. Аммо шундай долзарб масала негадир раҳбарларимизни, жойлардаги тозалик шифокорлари, Ички ишлар бўлимлари ходимларини ташвишга солмаяпти.

Чет эллардан келтирилган, инсон саломатлиги учун ўта хавфли бўлган, фойдаланиши умуман таъқиқланиб қўйилган 21 тонна заҳарли кимёвий дори ҳамон хўжаликларнинг омборларида сақланмоқда. Ҳолбуки, уларни тезда зарарсизлантириб, атрофини ўраб, махсус жойга олиб чиқиб тўплаш ва ҳисобдан чиқариш, умуман йўқотиш тўғрисида мутасаддилар хабардор қилинган эдилар.

Энди қўмитамиз фаолияти ҳақида қисқача тўхталмоқчимиз. Ҳозирги пайтда қўмитамизда 15 та ноҳия, 7 та шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари фаолият кўрсатмоқда. Ҳамма қўмиталаримиз айни пайтда мутахассис кадрлар билан мустаҳкамланди, тўлиқ фаолият кўрсатишмоқда. Уларнинг шу соҳа бўйича етарли тажрибаси билими ва малакалари бор. Иш кетяпти деган билан ҳамма нарса жойида, муаммоларимиз йўқ экан, деб тушунилмаслиги керак.

Иш жараёнидаги турли хил қийинчиликлардан қатъий назар ўтаётган икки йилдан ошиқ давр мобайнида катта ишларга қўл урдик. Вилоятдаги барча саноат, қурилиш ва бошқа корхоналарга, ташкилотларга бориб экологик ҳолатни ўргандик. Хато-камчиликларни текшириб, уларни бартараф этиш тўғрисида йўлланмалар, маслаҳатлар бердик. Экологик ҳолатларни бузаётган корхоналар мутасаддиларига жарималар ҳам солдик. Диққатингизга айрим рақамларни ҳавола этмоқчиман.

1989-1990 йиллар мобайнида қўмитамиз ходимлари томонидан 5651 марта текшириш ишлари ўтказилди, кузатувлар натижасида камчиликларни бартараф этиш ҳақида огоҳлантириш хати 8251 та ёзилди. 1731 раҳбарга ва мансабдор шахсларга жами 102432 сўм миқдорида жарима солинди. 142 та маълумотнома ёзилиб, 370 нафар мансабдор раҳбар мукофотдан маҳрум этилди.

Корхона-ташкилотларга, хўжаликларга 23332 миллион сўм миқдорида жарима солинди. Технологик жиҳозлар, участка, цехларни тўхтатиб қўйиш ҳақида корхоналарга 356 та қарор юборилди.

Экологик ҳолатни яхшилаш борасида бир мунча жиддий натижалар қўлга киритилди. Сўнгги икки йил мобайнида сув манбаларига ифлосланган оқоваларни ташлаш миқдори йилига 74 миллион куб метр ҳажмида камайди. Сувни қайта тозалаш иншоотлари қуввати 250 миллион куб метрга оширилди ва бир йилда 2386 миллион куб метрга етказилди.

Қўмитамиз ҳузурида илмий-техника Кенгаши тузилди, унга фан-техникамизнинг илғор мутахассислари, олимлар, фан докторлари жалб этилди. Шу Кенгаш ёрдамида биз табиатга зарар етказмайдиган саноат корхоналари бунёд этиш, умуман экологик ҳолатни яхшилаш каби масалаларда халқ хўжалигига мадад бериш ниятидамиз. Вилоятдаги барча хўжалик, саноат корхоналарига илмий-амалий ёрдам кўрсатишни кўзлаяпмиз.

Табиатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича биз яна бир манбага суяняпмиз. У ҳам бўлса, СССР Вазирлар Кенгашининг 1991 йилдан бошлаб табиат манбаларидан фойдаланиш учун ва табиатга зарар етказгани учун корхоналарнинг ҳақ тўлашга ўтиши ҳақидаги қароридир. Корхоналар энди бу қарордан кейин балки бироз ўйлаб иш юритадиган бўлишар. Улар табиатга қанча зарар етказса, қанча кўп унинг манбаларидан фойдаланса — шунча кўп пул тўлайдилар. Бу тушган пуллардан биз экологияни соғломлаштириш мақсадларида фойдаланамиз.

ЮЗ МИНГ СЎМ ЖАРИМА СОЛИНДИ

ФАН-ТЕХНИКА, замонавий технологик жараёнларнинг гуркираб ривожланиши, табиий бойликлардан кўр-кўрона фойдаланиш оқибатида инсоният олдида йирик экологик муаммолар пайдо бўлганлиги ҳеч ким учун сир эмас. Бу муаммоларнинг ечимлари ҳақида кўплаб фикрлар билдирилмоқда, қарорлар қабул қилинмоқда. Аммо улар амалга ошмаяпти. Бу эса ўз навбатида халқнинг ҳаққоний норозилигини келтириб чиқармоқда.

Маълумки, Орджоникидзе ноҳиясида бир неча йирик саноат, автотранспорт ва қурилиш корхоналари жамоалари фаолият кўрсатмоқда. Улар йилига ўртача 63—65 минг тонна заҳарли чиқитларни ҳаво қатламига, 1 миллион 800 минг куб метр тўла тозаланмаган оқава сувларни дарё ва каналларга чиқариб ташламоқдалар. Ноҳия ҳудидида истиқомат қилаётган ҳар бир киши бошига ўртача 480 килограмм ташландиқ чиқитлар тўғри келмоқда. Ноҳиядаги колхоз ва совхозлар йилига 7,7 минг тонна минерал ўғитлар ва 225 тонна заҳарли химикатлар ишлатяпти. «Узптицепром»га қарашли Ильич номли ва Тошкент паррандачилик ишлаб чиқариш бирлашмаларининг товуқ гўнгини сақлаш учун ажратилган ерлари санитария нормаларига мутлақо зиддир. Аҳоли истиқомат қилаётган қўрғонлар ва ушбу корхоналар орасида санитария муҳофазаси минтақалари етарли эмас.

Ноҳия ҳудудида жойлашган Тошкент ГРЭСини айтмайсизми?! Бу корхона ҳаво қатламига йилига 62 минг тоннагача ифлос чиқиндиларни чиқариб ташламоқда. Бу умумий ноҳия бўйича ифлос чиқитларнинг 95-96 фоизини ташкил этади.

Чирчиқ дарёсининг сув муҳофазаси минтақаси катта ахлатхонага айланиб кетган. Худди шу аҳвол Ялангоч ғишт заводининг карьерларида ҳам ҳукм суряпти.

Қорасув дарёсининг қирғоғида жойлашган «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ва Орджоникидзе номли шўро хўжаликларининг сут-товар фермаларида йиғилаётган гўнг ёмғирли кунларда тўғридан-тўғри дарёга оқиб тушиб, ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланишига олиб келмоқда.

Ўзимизнинг дардларимиз етмагандай, Чирчиқ шаҳрининг саноат корхоналари томонидан етказилаётган зарар ортиқчалик қилмоқда. «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати ноҳиямизнинг «Правда» жамоа хўжалиги экин майдонларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси нозирлари билан ҳамкорликда Қўйлиқ норуда қурилиш материаллари заводи иш олиб бораётган карьерлар текширилди. Текшириш натижасида шу нарса аниқландики, юқорида номи тилга олинган завод карьерни рухсат этилган 5,5 метр ўрнига 25 метргача чуқурлаштириб юборган. Бунинг оқибатида Қибрай сув тортиш иншоотлари ишдан чиқиши мумкин бўлган ҳолат юзага келди. Чирчиқ дарёсининг ўзани эса ахлатхонага айлантириб ташланган. Яшил ўсимликлар ва тўқайзорлар сувсизликдан қовжирай бошлади.

Кўриниб турибдики, ноҳия ҳудудида вужудга келган экологик аҳвол анча хавотирлидир. Бу ҳолатни нормаллаштириш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Ҳозирда ноҳия табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан барча йирик саноат, автотранспорт ва қурилиш корхоналаридаги экологик аҳвол мунтазам текширувдан ўтказилмоқда. Бир неча раҳбар шахсларга нисбатан қаттиқ жазо чоралари қўлланилди.

Масалан, Ялонғоч ғишт заводи раҳбарлари тупроқ қазиб олиниб, ҳосил бўлган чўнқирларни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш устида бош қотирмаганликлари, уларнинг ахлатхонага айланиб кетишининг олдини олмаганликлари ва бу билан табиатга етказган зарарларини қоплаш учун 100 минг сўм миқдорда жарима ундириб олинди. Худди шундай жазо жумҳурият Қурилиш вазирлигининг Юмалоқ карьерида иш олиб бораётган «Базальт» кооперативини ҳам кутмоқда.

Ноҳия ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча йирик корхона ва ташкилотлар табиат муҳофазаси борасида олиб бориладиган иш режаларини тузишди. Бу режаларни амалга ошириш мақсадида йиғилган маблағ миқдори 850 минг сўмни ташкил қилади. Бу ноҳия табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат нозирлари томонидан қаттиқ назорат остига олинди.

Амалга оширилаётган бу ишлар ноҳия ҳудудида вужудга келган экологик аҳволни бирмунча яхшилашга ҳисса бўлиб қўшилади, албатта.

А. СУЛТОНОВ,
район табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси.

ҚАЧОНГАЧА БУЛҒАЙСИЗ?

ХАЛҚ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг тўртинчи сессиясида Бўстонлиқ райони билан бирга Паркент районини ҳам экологик соғломлаштириш ва бу ерда курорт минтақасини ташкил этиш юзасидан тадбирларни маъқуллади. Унда район табиатини мусаффо сақлаш, ифлослантирувчи манбаларни бартараф этиш, ҳамма жойда атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга қаратилган ишларни авж олдириш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Бунга саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари, хўжаликлар раҳбарлари шахсан масъул эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу нуқтаи назардан шўро ва жамоа хўжаликларида атроф-мусаффолигини таъминлаш қонун-қоидаларига амал қилишнинг аҳволини текшириш ҳам бу муҳим соҳада катта камчиликлар мавжудлигини кўрсатдики, бу ачинарлидир.

Масалан, «Бўстон» шўро хўжалигида минерал ўғитлар ва заҳарли химикатлар ниҳоятда ёмон сақланяпти. Бунинг учун махсус омборхоналар қурилмаган, мавжудлари талабга жавоб бермайдиган ва мослашган биноларда, ҳатто очиқ ҳавода сақланяпти. Хўжаликда йигирма икки тоннадан ортиқ аммиакли селитра ўғити очиқ ҳавода ётипти. Бир йил эмас, бир неча йилдан бери шундай аҳволда. Ёғин-сочин оқибатида эриб, тупроқ ости ва устки сувларига қўшилиб кетяпти. Бу билан уларни заҳарламоқда. Хўжалик раҳбарлари бир неча марта огоҳлантирилганига қарамай аҳвол ўзгармади. Ниҳоят район табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси уларни моддий жазолашга мажбур бўлди. Хўжалик бош агрономи ва энтимологидан 50 сўм ва 100 сўм миқдорида жарима ундирилди.

Бундай нохуш мисолларни яна келтириш мумкин. «Гулбоғ» шўро хўжалигида ҳам шундай аҳвол таркиб топган. Минерал ўғитларни сақлаш масаласига умуман эътибор берилмаяпти, дейиш мумкин. 200 тоннадан ортиқ калийли ўғитнинг ҳатто сўри остида ҳам эмас, очиқ ҳавода сақланаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин.

Бу икки хўжаликда кимёвий заҳарли моддалардан фойдаланишда бошқа нуқсонларга ҳам йўл қўйилмоқда. Дуст ниҳоятда заҳарли эканлиги ҳаммага маълум. Шуни назарда тутиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги уни ишлатишни тўла ман қилди. Лекин хўжаликларда бу кўрсатмага ҳам амал қилинмаяпти. Озиқ-овқат учун мўлжалланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда фойдаланилган.

М. МАҲМУДОВ.

Муҳаррир: Р. СОБИРОВ— Тошкент вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси матбуот бўлими мудири.

Таҳрир ҳайъати:

С. АЛИМУҲАМЕДОВ — Ўрта Осиё ўсимликларни муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот илмгоҳи директори, ВАСХНИЛнинг мухбир аъзоси, қишлоқ хўжалик фанлари доктори. М. МУЙДИНОВ — Тошкент вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси фан-техника тараққиёти, экологик нормативлар ва тарғибот бўлими бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. С. СУЛТОНОВ. — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ёшлар илмий марказининг ходими, техника фанлари номзоди. М. МИРҲАМИДОВ — «Тошкент ҳақиқати» рўзномаси саноат, қурилиш ва транспорт бўлими мудири. А. СКОРОБОГАТОВ — «Ташкентская правда» рўзномаси саноат, қурилиш ва транспорт бўлими мудири.

КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

19.00 «Россия тароналари» телерадио танлови дипломанти ёқут «Туймаада» вокал ансамбли ижро этади.

19.10 «Бегона ер йўқ». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
20.30 «Время».
21.15 «Инсон ва қонун». Ҳуқуқий видеоканал.
22.30 «Меридиан». Халқаро янгиликлар.
22.45 «Қўшиқ ҳақида хотира».

● МТ II

8.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.

Ўқув программаси

8.15 «Россиянинг бош шаҳарлари». Ҳужжатли фильм.
8.45, 9.35 Табиатшунослик. 5-синф. Ўсимликлар ва қуруқликдаги хилма-хил жониворлар.
9.05 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
9.55 Компьютер билан мулоқот.
10.40, 11.40 Адабиёт. 10-синф.

И. В. Гёте. «Фауст».
11.10 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.

*

12.10 «Йигитларнинг гули». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
13.15 Россиянинг ҳужжатли экрани.

14.30 «Эзгу ният». Мультфильм.
14.40 Ритмик гимнастика.

* * *

16.00 «Яширин куч». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «Европа тупроғи» туркумидан («РТЕ», Ирландия).

17.00 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Швеция — ЧСФР терма командалари. Финляндиядан олиб кўрсатилади.

19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.45 В. А. Моцарт. Опералардан рақслар.

20.00 «Вертикаль». Станиславский ва Немирович-Данченко номли Москва академик мусиқий театрининг яккахони А. Лошак ҳақида ҳужжатли фильм.
20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).
21.15 **СССР Олий Кенгашининг сессиясида.**

*

22.15 Телевизион фильм.

*

22.45 Концерт.
23.05 «Уман боғи». Телевизион ҳужжатли фильм.
23.15 Хоккей. Жаҳон чемпионати.

СССР — Канада терма командалари. Финляндиядан кўрсатилади.

Жума *

26 АПРЕЛЬ

● ЎзТВ I

8.00 «Соғлом бўлай десангиз».
8.15 «Турналар», «Қўриқхона — мамлакатнинг виждони». Телефильмлар.
9.15 «Уйғур оиласи». Фильм-концерт.
9.45 «Баҳорги таътил». Бадиий фильм («Таллиннфильм»).

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.05 «Бувимнинг соябони». Мультфильм.
18.15 «Учқун».
19.00 «Янги Иттифоқ шартномаси лойиҳаси: фикр ва мулоҳазалар».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Бунёдкор».
20.30 Москва. «Время».
21.15 «Маърифатнома».
21.55 Тижорат хабарлари.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Деҳқонларнинг долзарб вазифалари».
22.35 Ёш мақом ижрочилари I регионал танлови ғолибларининг концерти.
00.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Қизиқарли учрашувлар соати».
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 Эсдалик учун дастхат.
20.30 Москва. «Время».
21.15 «Олтин сур». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).

● МТ I

6.00 «Тонг».
8.30 Болалар учун фильм. «Биз Тишкани қандай изладик» («Экран», 1970 й.).
9.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
10.15 «Инсон ва қонун».
11.30 ТСН.

* * *

14.30 ТСН.
14.45 «Ҳаёт оша кўприк». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
15.50 «Меҳр-шафқат ороли». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Олмаота).
16.10 «Филча». Мультфильм.
16.20 Москвада бўлиб ўтган рус православ мусиқаси учинчи халқаро фестивали ҳақида ҳужжатли фильм премьераси.
17.00 «Мулоқот-анжуман».
17.30 «Сиз яратган боғ».
18.00 ТСН.

18.20 Режиссёр А. Шахмалиева фильмлари. «Афсона», 1 ва 2-сериялар («Ленфильм», 1986 й.).
20.30 «Время».
21.15 Хоккей. Жаҳон чемпионати.

ЧСФР — СССР терма командалари. Финляндиядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Спорт ҳамма учун.
23.00 «ВИД» таништиради.
01.00 «Меридиан». Халқаро янгиликлар.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.

Ўқув программаси

8.15 Илмий-оммабоп фильм.
8.35, 9.35 Мусиқа. 8-синф. С. С. Прокофьев. «Ромео ва Жульетта».
9.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.

10.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 Тарих. 8-синф. М. В. Ломоносов.
11.05 Рус тили.

*

12.05 «Йигитларнинг гули». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
13.30 Хоккей. Жаҳон чемпионати. СССР — Канада терма командалари. 2 ва 3-даврлар. Финляндиядан кўрсатилади.
15.05 Коллаж.

* * *

16.10 «Санъат календари».
16.40 Россиянинг парламент хабарномаси.
16.55 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Канада — Швеция терма командалари. Финляндиядан олиб кўрсатилади.
19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.45 «Чернобиль — кўмак». Ҳукуматдан ташқари гуманитар ижтимоий ташкилотларнинг иши ҳақида.
20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).

*

21.15 «Қора тоғ». Бадиий фильм (СССР—Ҳиндистон).

*

22.45 «Қарашлар». Телевизион ҳужжатли фильм.
23.15 Чернобилдаги фожианинг беш йиллигига бағишланган концерт-реквием. Киевдан кўрсатилади.

Шанба *

27 АПРЕЛЬ

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум».

*

9.00 «Актёрлар ва роллар». Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Лутфулла Саъдуллаев.
10.10 «Бу сирли олам...».
10.50 «Дўстлик ришталари».
11.30 Араб тили.
12.00 «Йўлбарс». Бадиий фильм («Мосфильм»).
13.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади «2х2=5».
15.15 Ўзбекистон Давлат телерадиоси камер оркестрининг концерти.

Тижорат кўрсатувлари

15.45 Жиззах ноҳияларaро ишлаб чиқариш таъминот бирлашмасида.
16.15 «Оққўрғон жилолари».

* * *

18.00 «Алиса Зазеркальеда» туркумидан мультфильм. 3 ва 4-сериялар.
18.20 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Истеъдод». Ижодкор ёшлар ҳақида адабий кўрсатув.
20.30 Москва. «Время».
21.15 Оқшом эртаклари.
21.30 Ботир Зокиров номидаги жумҳурият ёш хонандалари I танлови. Якунловчи босқич концерти.
22.00 «Ҳафтанома».
23.00 Ботир Зокиров номидаги жумҳурият ёш хонандалари 1 танлови Якунловчи босқич концертининг давоми.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Савту калом». Адабий-мусиқий кўрсатув.
9.55 «Шифо». Тележурнал.
10.35 Қирғизистон ССР санъат усталарининг концерти.
11.35 «Заречная кўчасида баҳор». Бадиий фильм.

* * *

17.25 «Оддий мўъжизалар». Телефильм-концерт.
18.10 «Хушдилон». Қувноқлар ва зукколар клуби.
19.00 «Новости».
19.20 «Забони мо — жаҳони мо».
20.00 «Ахбор».
20.20 «Қурбақа-малика». Катталар учун мультфильм.
20.30 Москва. «Время».
21.15 «Мавзуна». Қўрғонтепа мусиқий комедия театрининг балетмейстери Симгул Давлатова рақсга тушади.
21.55 «Рангинкамон».
22.25 «Заречная кўчасида баҳор». Бадиий фильм.

● МТ I

7.30 ТСН.
7.50 Дунё халқларининг ижоди.
8.20 «Сиз яратган боғ».
8.50 «Муҳофаза ёрлиғи».
9.20 «Бурда моден» таклиф этади...».
9.50 «Афғонистонга командировка». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Союзтелефильм», 1991 й.).
10.30 «Тонг юлдузи».
11.30 «Ўз-ўзингга кўмаклаш».
12.15 «Ёқимли овоз, майин товуш...».
13.00 Эртаклар ва саргузаштлар оламида. «Букри тойчоқ».
14.30 ТСН.
14.45 Красноярск «Сибирь» рақс ансамблининг концерти.
15.45 «Халқаро панорама».
16.35 «Мюнхаузеннинг саргузаштлари». Мультфильм.

17.15 Сиёсий мулоқотлар. «Ким аслида ким?» Телетомошабинларнинг саволларига СССР Олий Кенгашининг раиси А. И. Лукьянов жавоб беради.
18.45 «Карагод» ансамбли ижросида рус шоирларининг шеърларига ёзилган қўшиқлар.
19.15 Хитой Марказий телевидениесининг кечаси.
20.30 «Время».
21.15 Хитой Марказий телевидениеси кечасининг давоми.
23.15 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг».

● МТ II

8.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.
8.15 Мультфильм.
8.35 Рус тили.
9.05 «ТВ Ти-Ви ҳақида».
10.00 Чернобилдаги фожианинг беш йиллигига бағишланган концерт-реквием. Минскдан кўрсатилади.
12.00 «Ҳамдўстлик» видеоканали.

●

15.15
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«ДЎСТЛИК»
ВИДЕОКАНАЛИ

«Замандас» кўрсатуви

●

18.15 «Ҳайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан).
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Ксения Георгиади куйлайди.
20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).
21.15 «И. В. Ильинский. Ҳаёт сабоқлари». Фильм-портрет.

*

22.15 «Деярли кулгили воқеа». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар («Экран», 1977 й.).

Якшанба *

28 АПРЕЛЬ

ЖАҲОН
БИРОДАРЛАШГАН
ШАҲАРЛАР КУНИ

● ЎзТВ I

8.00 «Ҳафтанома» (такрор.).

*

9.00 «Менга қарата олма от». Телевизион бадиий фильм.
9.35 А. Обиджон. «Қўнғироқли ёлғончи». Йўлдош Охунбобоев номидаги Жумҳурият ёш томошабинлар театрининг спектакли.
11.00 «Ўзбекистон спорти».
11.35 «Китоб ва ҳаёт».
12.05 «Шаҳрисабз—ипак шаҳри». Телефильм.
12.35 Қарши шаҳар педагогика билим юрти ўқитувчи ва талабаларининг концерти.
13.15 «Сени кутамиз, Темур». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
14.45 Алифбо сабоқлари. I босқич (такрор.).

Тижорат кўрсатуви

15.20 «Қишлоқ жамоли». Фарғона вилояти Киров ноҳиясидаги «Октябрь 40 йиллиги» давлат хўжалиги ҳақида.

* * *

18.00 «Қуённинг кўз ёшлари», «Аждарҳо ғори». Мультфильмлар.
18.25 «Кичкинтой» кўрсатуви.
18.55 «Сиҳат-саломатлик».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Истиқбол».
20.30 Москва. «Время».
21.15 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув.

21.55 Тижорат хабарлари.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Деҳқон ва замин».
23.00 «Кино, кино, кино».
00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот.
10.05 «Офарин!». Қувноқ спорт ўйинлари.
10.55 «Шоир, денгиз, илҳом».
11.35 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.
12.35 «Ноаниқлик шароитларида». Бадиий фильм.

* * *

17.35 «Ноаниқлик шароитларида». Бадиий фильм.
18.50 Б. Мукаев. «Шаби мурод». Телеспектакль.
20.00 «Ҳафта».
20.30 Москва. «Время».
21.15 Эстрада куйларидан концерт.
22.00 «Навиди Душанбе». Бевосита мулоқот.
22.50 «Телетомошабин ҳамроҳи».

● МТ I

7.30 ТСН.
7.45 Ритмик гимнастика.
8.15 «Спортлото» тиражи.
8.30 «Эрта саҳарлаб».
9.30 «Ватан хизматида».
10.30 Тонгги дам олиш программаси.

11.00 **«Ҳайвонот оламида».**
12.30 «Қишлоқ янгиликлари».
13.30 «Здоровье».
14.00 Шеърият лаҳзалари.

14.05 «Зверебой» бадиий фильми таништирилди. («Союзтелефильм», 1990 й.).
14.30 ТСН.

14.45 «Марафон-15».

15.50 Чет эл композиторлари ижодида халқ оҳанглари.
16.50 «Тўсиқ бўйлаб».
17.20 Эстрада концерти.
17.50 «Уолт Дисней таништиради...».
18.40 Оила экрани. «Мен сизни севардим...». Бадиий фильм (М. Горь.кий номли киностудия, 1967 й.).
20.30 «Время».

21.15 Брэйн ринг. «Нима? Қаерда? Қачон?» клубларининг чемпионати.

21.55 «Хронограф».

22.10 Хоккей. Жаҳон чемпионати. СССР— Швеция терма командалари, Финляндиядан кўрсатилади.

00.25 Катталар учун мультфильмлар.

● МТ II

8.00 Зарядкага сафланинг!
8.15 Телевизион ҳужжатли фильм.
8.35 Кулги кечаси.

11.25 «Европанинг маданий марказлари». Илмий-оммабоп фильм премьераси. 4-фильм — «Лиссабон».
12.25 Коллаж.

●

12.30
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«ДЎСТЛИК»
ВИДЕОКАНАЛИ

●

16.00 Педагогика ҳамма учун.
17.00 «Бувам замонидан бери». Ҳужжатли фильм.
17.20 «Планета». Халқаро программа.
18.20 Россиянинг парламент хабарномаси.
18.35 «Олма кўчати». Мультфильм.
18.45 «Алиса». Маданият бўйича халқаро Европа журнали.
19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.45 Бадиий гимнастика. «Советская женщина» ойномасининг соврини учун халқаро мусобақалар. «Дружба» универсал спорт залидан кўрсатилади.
20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).
21.15 Ватанимиз маданий ёдгорликларини таъмирлаш ва асраш ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.

21.50 Муаллифлик телевидениеси.
22.35 Хоккей. Жаҳон чемпионати. ЧСФР — Канада терма командалари. Финляндиядан олиб кўрсатилади.
23.20 Муаллифлик телевидениеси.
00.05 Америкача футбол. Жаҳон лигаси биринчилиги.

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

Душанба *

22 АПРЕЛЬ

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУН

● ЎзТВ I

8.00 «Соғлом бўлай десангиз».
8.15 «Ер ва одамлар». Кинопрограмма.
9.10 «Мусиқий жилолар», «Шодлик тароналари». Фильм-концертлар.
9.55 «Она садоқати». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.05 «КОАПП» сериясидан мультфильм.
18.35 Тижорат хабарлари.
18.40 «Ахборот» (рус тилида).
18.55 Москва. **В. И. Ленин туғилган куннинг 121 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш.** СССР Давлат академик Большой театридан олиб кўрсатилади.
20.00 Москва. «Время».
20.45 Телефильмлар.
21.15 Ўзбекистон Давлат телерадиоси мақом ансамблининг яккахонлари Шаробиддин Исмоилов ва Нафиса Тўхтаевалар концерти.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Деҳқонларнинг долзарб вазифалари».
22.35 Ижодий учрашувлар. «Мозийдан бир саҳифа» видеофильмига бағишланган адабий кўрсатув.
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ассалому алайкум» (такрор.).
20.00 Москва. «Время».
20.45 «Спринт» (рус тилида).
21.00 «Манфаатларимиз йўлида» (рус тилида).
22.00 «Катта йўл бошида». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 1-серия.

● МТ I

6.00 «Тонг».
8.30 «Мулоқот». Иқтисодий шарҳ.
8.50 «Бир томчи». Мультфильм.
9.00 Футбол шарҳи.
9.30 «Фидойилар». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар («Мосфильм» «Сиготo фильм продакшн» Япония, иштирокида 1988 й.).
11.30 ТСН.

* * *

14.30 ТСН.
14.45 «Рус хор қўшиғи» ижодий устахонаси.
15.35 «Барҳаёт Ленин». Ҳужжатли фильм.
16.05 Д. Шостакович. Прелюдия ва скерцо.
16.20 М. Шатров. «Шундай ғалаба қиламиз». М. Горький номли Москва Бадиий академик театрининг фильм-спектакли.
18.55 **В. И. Ленин туғилган куннинг 121 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.** СССР Давлат академик Большой театридан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида— «Время».
23.00 «Меридиан». Халқаро янгиликлар.
23.15 «Самолёт», «Кавказ ва Меркурий». Публицистик фильм премьераси («Союзтелефильм»).

● МТ II

7.00 «Ишбилармон кишининг тонги».
8.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.

Ўқув программаси

8.15 «Мебиус барги». Илмий-оммабоп фильм.
8.35, 9.35 Тарих. 9-синф. «Ўтни ўзимизга қаратдик...» (А. И. Герцен).
9.05 Итальян тили.
10.05 «Сиз яратган боғ».
10.35, 11.40 Адабиёт. 11-синф. А. Т. Твардовский. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари.
11.05 «Адам Смит бойлиги дунёси».

*

12.10 В. Биль-Белоцерковский. «Пўртана». Моссовет номли Давлат академик театрининг фильм-спектакли.

* * *

16.25 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. Сибирнинг энциклопедист олими Г. Н. Потанинга бағишланган конференция ҳақида кўрсатув (Томск).
16.55 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финляндия — СССР терма командалари. Финляндиядан олиб кўрсатилади.
19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.45 «Шарқий Сибирь». Киножурнал.
20.00 «Время» (сурдо таржимаси билан).
20.45 Футбол шарҳи.
21.15 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Канада — Германия терма командалари. Финляндиядан кўрсатилади.
23.15 «Репетитор». Телевизион бадиий фильм («Беларусьфильм», 1987 й.).
00.45 «Телевизион мусиқий абонемент».

Сешанба *

23 АПРЕЛЬ

● ЎзТВ I

8.00 «Соғлом бўлай десангиз».
8.15 «Табиат ягона, «Қишлоқдан келган шаҳарликлар». Телефильмлар.
9.35 «Дунёни кўргим келади...».
10.00 Инглиз тили. Кириш қисми (такрор.).
10.30 Такрорий фильмлар экрани. «Ёш аёл учун эркак». Бадиий фильм («Озарбайжонфильм»).

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.05 «Алиса Зазеркальеда» туркумидан мультфильм. 1 ва 2-сериялар.
18.25 Болалар телевизион театри.. Н. Носов. «Бир ялқовнинг ҳийласи.
19.00 «Фанга бағишланган умр». Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори О. Ф. Файзуллаев.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Қўшиқ рақсга уланса». Мусиқий кўрсатув.
20.25 Тижорат хабарлари.
20.30 Москва. «Время».
21.15 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига. «Навоий гулшани».
22.00 «Ахборот».
22.20 «Спортлото».
22.25 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. «Олмос камар». Видеофильм. 1-қисм.
23.30 «Жиноят қидирув инспектори». Бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия).
00.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.05 «Қишлоқда аҳволлар қалай?»
19.50 «Истеъдоднинг туғилиши». Мультфильм.
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Шаҳар муаммолари».
20.30 Москва. «Время».
21.15 «Кашфиётлар оламида».
21.55 «Жаҳон киноси юлдузлари». Одри Хепбёрн.
22.35 «Катта йўл бошида». Бадиий фильм. 2-серия.

● МТ I

6.00 «Тонг».
8.30 Долзарб репортаж.
8.50 М. Шатров. «Шундай ғалаба қиламиз». М. Горький номли Москва Бадиий академик театрининг фильм-спектакли.
11.30 ТСН.
11.45 Болалар соати (немис тили дарси билан).

* * *

14.30 ТСН.
14.45 «Имтиҳон олдидан». Телевизион бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия, 1977 й.).
15.50 «Қизиқувчилар олами».
16.05 «Россия тароналари» телерадио танловининг совриндори Е. Молодцова куйлайди.
16.20 Мультфильм.
16.30 «Болалар мусиқий клуби».
17.15 «Чемпионлар билан биргаликда».
17.30 Сиёсий мулоқотлар. «Вазият». «Иш ташлайдиган вақтми?»
18.00 ТСН.
18.15 Ишчан чопар.
18.30 Мультфильм.
18.50 «Кинопанорама».
20.30 «Время».
21.15 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони».
22.00 С. С. Прокофьев туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган тантанали кеча. ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театридан кўрсатилади.
24.00 «Меридиан». Халқаро янгиликлар.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.

Ўқув программаси

8.15 «Карелия. Фантазия-экспромт». Илмий-оммабоп фильм. «Ернинг бир бурчагида». Телевизион ҳужжатли фильм.
8.35, 9.35 Жўғрофия. 8-синф. Табиат ҳодисалари.
9.05 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 Тарих. 7-синф. Уйғониш даври санъати.
11.05 «Менеджер Шкляр ва бошқалар...».

*

12.05 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финляндия — СССР терма командалари. 2 ва 3-даврлар. Финляндиядан кўрсатилади.
13.25 «Планета». Халқаро программа.
14.25 «Тонг юлдузи».
15.30 Ритмик гимнастика.

* * *

16.55 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финляндия — Канада терма командалари. Финляндиядан олиб кўрсатилади.
19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.45 Москва давлат филармонияси яккахонлар ансамблининг концерти.
20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).
21.15 **СССР Олий Кенгашининг сессиясида.**
22.15 Хоккей. Жаҳон чемпионати. АҚШ—СССР терма командалари. Финляндиядан кўрсатилади.
00.20 «Театр мавсуми». Телевизион бадиий фильм (Свердловск киностудияси, 1989 й.).

Чоршанба *

24 АПРЕЛЬ

ЁШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ

● ЎзТВ I

8.00 «Соғлом бўлай десангиз».
8.15 «Ёшлар — жамиятимиз келажаги». Кинопрограмма.
9.00 Болалар учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
9.50 Тўра Сулаймон. «Сайёралар нотинч...».
10.15 Такрорий фильмлар экрани. «Ой бориб, омон қайт». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.05 «Топишмоқлар куни», «Хоҳ ишон, хоҳ ишонма». Мультфильмлар.
18.35 «Шеърият дафтаридан».
19.00 «Яхшидан боғ қолади».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Ўзбек атамашунослик муаммолари».
20.30 Москва. «Время».
21.15 «Ёшлик оқшоми». Ёшларнинг халқаро бирдамлик кунига бағишланади.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Деҳқонларнинг долзарб вазифалари».
22.35 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. «Олмос камар». Видеофильм. 2-қисм.
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Болалар» кўрсатуви.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 Гитара тароналари.
20.30 Москва. «Время».
21.15 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Шаҳризоданинг саволлари».
22.15 «Катта йўл бошида». Бадиий фильм. 3-серия.

● МТ I

6.00 «Тонг».
8.30 Ишчан чопар.
8.50 Мультфильмлар.
9.15 «Чемпионлар билан биргаликда».
9.30 «Бегона ер йўқ». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия (Свердловск киностудияси, 1991 й.).
10.45 «Болалар мусиқий клуби».
11.30 ТСН.

* * *

14.30 ТСН.
14.45 «Қумликдаги икки киши». Телевизион бадиий фильм (Одесса киностудияси, 1984 й.).
15.50 «Қизиқувчилар олами».
16.05 «Мусиқий хазина».
16.40 «Биринчи номерли цех». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш ҳақида (Уфа).
17.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
18.00 ТСН.
18.15 «XXI аср — халқаро оилавий туризмнинг юз йиллиги».
19.15 «Бегона ер йўқ». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
20.30 «Время».
21.15 «Қалбим, отлан...». Телевизион ҳужжатли фильм.
21.55 «Тамбов хазинабони». Фильм-концерт.
22.40 «Телескоп».
23.40 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. Ярим финал. «Марсель» (Франция) — «Спартак» (Москва). Франциядан олиб кўрсатилади.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.

Ўқув программаси

8.15 «Мнемозинани излаб», «Овозлар». Телевизион фильмлар.
8.35, 9.35 Физика. 9-синф. Техника ижодиёти тўгарагида нималар қилинди?
9.05 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 Мусиқа. 5-синф. И. Ф. Стравинский. «Петрушка».
11.05 «Санъат календари».

*

12.05 Хоккей. Жаҳон чемпионати. АҚШ — СССР терма командалари. Финляндиядан кўрсатилади.

* * *

16.15 «Хулқ-атвор». Ахлоқ этикаси.
17.00 «Арафада». Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан юзага келаётган экологик муаммолар ҳақида. «Экология. Жамият. Инсон» туркумидан.
18.20 Коллаж.
18.25 Россиянинг парламент хабарномаси.
18.40 Г. Свиридов. А. С. Пушкиннинг «Бўрон» қиссасига ёзилган мусиқий манзаралардан кичик триптих.
19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.45 Г. Свиридов. «С. Есенин хотирасига поэма».
20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).
21.15 **СССР Олий Кенгашининг сессиясида.**
22.15 «Йигитларнинг гули». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар («Мосфильм», 1986 й.).

Пайшанба *

25 АПРЕЛЬ

● ЎзТВ I

8.00 «Соғлом бўлай десангиз».
8.15 Ҳужжатли фильмлар экрани.
9.15 Сув полоси бўйича СССР чемпионати. Олий лига. Аёллар.
9.45 «Автомобилдан сақлан». Бадиий фильм («Мосфильм»).

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.05 «Кубик». Мультфильм.
18.15 Алифбо сабоқлари. II босқич.
18.50 «Фан» телеойномаси.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Самарқанд вилояти Ургут шаҳар «Баржўш» ансамблининг концерти.
20.30 Москва. «Время».
21.15 «Ижод саҳифалари». Шоислом Шомуҳамедов.
22.00 «Ахборот».
22.20 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. «Олмос камар». Видеофильм. 3-қисм.
23.20 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Бахтингдан кўр». 1-кўрсатув.
00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Бу оқшомда».
20.30 Москва. «Время».
21.15 «Бу оқшомда» кўрсатувининг давоми.
22.15 «Одерда баҳор». Бадиий фильм («Мосфильм»).

● МТ I

6.00 «Тонг».
8.30 ИИВ маълумотларига кўра...
8.50 Мультфильмлар: «Биродар қуённикида ҳовли тўйи», «Етти оға-ини».
9.25 «Бегона ер йўқ». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
10.40 Футбол. Европа чемпионларининг кубоги. Ярим финал. «Марсель» (Франция) — «Спартак» (Москва). 1-тайм. Франциядан кўрсатилади.
11.30 ТСН.
11.45 Футбол. «Марсель» (Франция) — «Спартак» (Москва). 2-тайм.

* * *

14.30 ТСН.
14.45 «Ҳаёт оша кўприк». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (А. Довженко номли киностудия, 1986 й.).
16.00 «Қизиқувчилар олами».
16.15 «Поэзия». Н. Шипилов.
16.30 «Ғолиблар».
17.30 «Экранда «01» хизмати». Ёнғиндан эҳтиёт бўлиш мавзуида фильмлар.
18.00 ТСН.
18.15 «...16 ёшгача ва ундан каттталар».

даблурустлан Ўзбекистон Совет Социа-